...ЛИКАSI
...PALATASI
INV.№

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

2010-yil Июль

Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №30 (3871)

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини 7 миллион тоннага яқин юксак ғалла хирмони бунёд этиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида ҳеч шубҳасиз навбатдаги янги саҳифа очишга эришганингиз – мана шундай улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Азалдан нондек азиз ва табаррук неъматнинг қадрига етадиган, уни кўзига тўтиё қилиб яшайдиган халқимиз бу беқиёс ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилганини чуқур англайди ва ризқ-рўзимиз бўлмиш бундай бебаҳо бойликни бизга насиб этгани, эл-юртимизнинг йўлини очиб бергани, ўзи мададкор бўлгани учун Яратганимизга шукроналар билдириб, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимизга тасаннолар айтади.

Бир вақтлар ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида кимгадир муҳтож бўлиб, кимгадир ялиниб, катта маблағлар тўлаш ҳисобидан донни четдан олиб келганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда Ватанимиз ғалла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўқчиликни қўлга киритганимиз, керак бўлса, ғаллани экспорт қилиш имкониятига эга бўлганимиз, шу кунларга етганимиз учун барчамиз чин қалбдан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта.

Азизларим, барчангиз яхши биласиз, бундай марраларга етиш осон бўлгани йўқ.

Бунинг негизида аввало узоқни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган давлат сиёсати, чуқур ўйланган ислоҳотлар, шу йўлда энг муҳим ўрин ва аҳамият касб этган фермерлик ҳаракатига ўтганимиз, унга кенг йўл ва имтиёзлар очиб берганимиз, ҳозирги вақтда юртимизда фермерлик ҳақиқатан ҳам тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, айни пайтда соҳага илмий асосланган, Ўзбекистоннинг иқлими ва шароитига мослаштирилган замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масалалари мужассам бўлганини такрор-такрор айтиш ўринли деб биламан.

Шу борада ерни ҳақиқий эгасига топширганимиз, мулкдорлик ва ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг қалбидан чуқур жой олгани, шу асնода меҳнатчиларимизнинг дунёқараши ўзгариб, онгу тафаккури юксалиб, келажакка ишонч туйғуси янада мустаҳкам бўлиб бораётганининг ўзи бугун қишлоқларимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кейинги йилларда минтақамизда об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариб бораётгани, хусусан, ўтган йили кузнинг ноқулай келгани, баҳорда дўл, сел ва ёғингарчилик меъёридан кўп бўлгани, қолаверса, турли зараркунандалар ва касалликлар бошоқли экинлар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ҳатто ғалла ўримга келган пайтда кучли шамол ва жала туфайли айрим далаларда бўлиқ майсаларнинг ётиб қолиши қўшимча ташвиш туғдирди. Мухтасар айтганда, мана шундай мураккаб ҳолатлар ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир марта жиддий имтиҳондан ўтказди.

Шуни ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш лозимки, ҳаёт синовларида тобланган, азму шижоатли деҳқонларимиз бу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиб, барча қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Мамлакат бўйича ўтган йилга нисбатан 286 минг тонна кўп дон етиштирилгани, суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 51 центнерни ташкил этгани, лалми ерлардан ҳам баракали ҳосил олингани бунинг амалий тасдиғидир.

Айниқса, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик даражаси ўртача 53-58 центнерни ташкил этгани, Пахтаобод, Балиқчи, Иштихон, Яккабоғ, Касби, Учқўрғон, Ғиждувон, Пешку, Қуйи Чирчиқ, Дўстлик туманларида бу кўрсаткич 55-67 центнердан юқори бўлгани фидойи ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор намоён этди.

Энг муҳими, шартнома мажбуриятларига амал қилган ҳолда, етиштирилган ҳосилнинг 4 миллион 90 минг тоннаси, яъни қарийб 60 фоизи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларимизнинг омбори ғаллага, рўзғори қут-баракага тўлиб, уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг ёрқин ифодасидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида мамлакатимиз тараққиёти, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи учун, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб ишларимизни янада кенг кўламда давом эттириш, юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида белгилаб олган дастур ва режаларимизни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Албатта, ҳали далаларимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли бажариб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишимиз керак.

Ишончим комилки, юртимиз деҳқонлари қишлоқ хўжалиги ишларини самарали давом эттириб, пахта, сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштиришга ва бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан якунлашга эришадилар.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз миришкор фермерларимизга, ўрим-йиғимда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган механизаторларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бугунги улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. Лафзи ҳалол, мард ва танти бободеҳқонларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари ва соҳавий хизматлари раҳбарлари иштирок этишди.

Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Вазир йиғилишда бу тинч-осойишта кунлар қадри ҳақида гапирар экан, дастлаб Президентимиз Ислом Каримовнинг Бухоро вилоятига ташрифи пайтида Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган воқеаларга муносабат билдириб айтган: **"Фожианинг сабаблари ҳақида гапирганда, мен қонга – қон, жонга – жон деган қарашга қаршиман. Нафақат қаршиман, балки шундай фикр билан юрадиганларни халқимизнинг душмани, деб биламан. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, қадрига етиш керак. Мен халқимизни оғир-вазмин бўлишга, етти ўлчаб бир кесиш керак, деган нақлга ҳамиша амал қилишга яна бир бор даъват этмоқчиман. Чунки жаҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Қизиққонлик, жоҳиллик оқибатида бу гўзал ҳаётни бир лаҳзада йўқотиш мумкинлигини сира унутмаслик лозим... Бу қўпорувчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган"** – деган оқилона сўзларини эслатиб ўтди.

Шу боисдан халқимизнинг тинчлик-осойишталиги учун масъул бўлган ходимларимиз бундан кейин ҳам ҳушёрликни қўлдан бой бермай, барча хизматлар бир ёқадан бош чиқариб жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши кескин кураш олиб боришлари зарур, – деб таъкидлади генерал-лейтенант Б. Матлюбов.

Ҳайъат раиси республика ички ишлар идораларининг 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги тезкор-хизмат фаолиятининг натижалари ҳақида гапирар экан, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари муҳокама этилганлигига тўхталди. Жумладан, бу даврда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 10,9 фоизга ўсиши таъминланганини қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов бу ютуқларни қўлга киритилишида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида тинчлик-осойишталикнинг сақлаб қолингани муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлар экан, бунда барча ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бир қаторда ички ишлар ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини айтиб ўтди.

Ҳайъат йиғилишида республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, полковник А. Ибрагимов ички ишлар идораларининг 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомидаги тезкор хизмат фаолиятининг натижаларига тўхталди. Мамлакатимиз ички ишлар идоралари томонидан жиноятчиликка қарши кураш ишларининг аҳволи ва уни такомиллаштириш чора-тадбирларига эътибор қаратиб, ҳисобот даври мобайнида жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилганини таъкидлади. Шунингдек, ҳисобот даврида баъзи ички ишлар идоралари раҳбарлари томонидан бирмунча камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини қайд этар экан, айрим вилоятларда гиёҳвандликнинг олдини олиш, тезкор-қидирув, хизматлараро ҳамкорликни таъминлаш, жиноятчиликка, айниқса, терроризм ва диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва унинг бошқа турларига қарши курашишда хизматлар ўртасидаги ҳамда жамоатчилик билан алоқаларни кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтди.

Соҳавий хизматлар фаолиятида кузатилаётган бу каби сусткашликларга барҳам бериш, хизмат интизомини яхшилаш, олиб борилаётган ишларни танқидий нуқтаи назардан баҳолаш хизмат самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлиши эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. ИРМАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳакамі, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматовга "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. ИЛЬЯСОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз футболи шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришдаги хизматлари, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳакамі, ФИФА рефериси Рафаэль Эдуардович Ильясов "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июль

Мукофот муборак!

ЮКСАК ХИРМОНГА МУНОСИБ УЛУШ

Ғалла – ризқ-рўзимиз. У халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги рамзидир. Миллий қадриятларимизда ҳам ризқ-насибамиз бўлмиш нон эъзозланади. Азал-азалдан табаррук неъматнинг қадрига етадиган халқимиз уни машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини чуқур англайди ва азму шижоати баланд, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимизга тасаннолар айтади.

Бу йил об-ҳавонинг инжиқлигига қарамай, ҳар доимдагидан-да мўл ва баракали ҳосил етиштирилди. Мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари, барча дала меҳнаткашлари томонидан 7 миллион тонна сара дон ўриб-янчиб олиниб, йиллик шартнома мажбурияти ортиғи билан бажарилди. Мард ва танти бободеҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган буғдойни нест-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиштиришда, улкан ғалла хирмонлари бунёд этишда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб хизмати бор. Осойишталик посбонлари фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ҳосилни кўз қорачиғидек асрашда, дон маҳсулотларини нобудгарчиликсиз қабул пунктларига етказиб беришда, уларнинг талон-тарожликларсиз сақланиши, йўл ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашда яқиндан ёрдам беришди.

Республика Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган Ҳайъат мажлиси якунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олишни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришишда қўшган ҳиссалари учун ИИВ ППХ ва ЖТСББ, ЙҲХББ, ҲООББ, ЖҚ ва ТҚКББ, ЁХББ, «Қўриқлаш» республика бирлашмаси, ХЧК ва ФРБ, ПТЭМ ва ШТБИХ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ, шунингдек, вазирлик олий таълим муассасаларининг бир гуруҳ ходимлари эсдалик совғалари – қимматбаҳо қўл соатлари билан мукофотландилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг навбатдаги Ҳайъат мажлисида Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов мукофотларни тантанали равишда эгаларига топширди.

Дарҳақиқат, буғдой – халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз қут-баракаси манбаидир. Зотан, осойишта, тинч, халқи тўқ ва фаровон юртнинг келажаги буюкдир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

«Ғалла-2010» тадбири пайтида ғаллакорларимизга мададкор бўлганликлари учун вазирликнинг эсдалик совғалари билан мукофотланган ИИВ Марказий аппаратининг бир гуруҳ ходимлари.



ЮРТИМНИНГ ДОНИ

Қай бир юртнинг мўл бўлса дони,
Мустаҳкамдир метин қўрғони.
Ўз қўрғонин қадрини билгай –
Ўзбек элим бободеҳқони.

Қай бир юртнинг мўл бўлса дони,
Топталмагай ғурур ва шони.
Даркор бўлмас ўзга юртларнинг
Дон ортилган миннат карвони.

Меҳрин кўриб, суюб деҳқонни,
Оллоҳ берди етти миллионни.
Зафар билан қутлар мард элин,
Танти юртнинг танти Султони.

Қай бир юртнинг мўл бўлса дони,
Юрагида бўлмас армони.
Яраклагай кўксида мангу –
Озодликнинг олий нишони.

Кўкка етди юртим хирмони,
Нонга тўлди пок дастурхони.
Осмондай кенг бағрини очиб
Меҳмон қила олур дунёни.

ЗАМИНИЙ.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан ИИВнинг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда жойлардаги ИИБ раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Жиноятчиликка қарши курашда сусткашликка йўл қўйган айрим вилоят, шаҳар-туман ИИБларининг тезкор-хизмат фаолиятлари йил якуни бўйича Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиниб, тегишли чора кўрилиши белгилаб қўйилди.

Мажлисда кун тартибидаги иккинчи масала – республика Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Генерал-лейтенант Б. Матлюбов ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашлари, профилактика доирасидаги тадбирларнинг самарадорлигини оширишлари борасида мажлис иштирокчилари олдига аниқ вазифаларни қўйди.

– Раҳбарларнинг ўзлари ишни ташкил этиб уни назорат қила олмайдиган бўлса, ишни бошқалардан қандай талаб қилиши мумкин?! Энг аввало раҳбарларимиз ўз ишларини тубдан кўриб чиқиб, бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим, – деб таъкидлади генерал-лейтенант Б. Матлюбов.

Шунингдек, аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, халқнинг оғирини енгил қилувчи профилактика инспекторларини ўз хизмат вазифасидан бошқа ишларга жалб этмаслик лозимлиги, улар ҳамиша халқ ичида бўлиши кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда вазир шунингдек, Юртбошимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида айтилганидек, бу йил азиз деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнаткашлари биргаликда 7 миллион тоннага яқин юксак ғалла хирмони бунёд этиб, Ўзбекиситон қишлоқ хўжалиги тарихида ҳеч шубҳасиз янги саҳифа очишганини, бу халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада яхшиланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтди. Аммо бу ёруғ кунларимизни кўра олмайдиган, бизга ҳавас кўзи билан эмас, балки ҳасад кўзи билан қарайдиганлар ҳам борлигини таъкидлаб, барчани бу борада бедор ва ҳушёр бўлиб хизмат қилишга даъват этди.

– Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг фаровон ҳаётини кўз қорачиғидек асрайлик, бир-биримизга ҳамиша меҳр-оқибатли бўлайлик, юртимизда улуғ айёмлар, дориламон кунлар давом этаверсин, – деди генерал-лейтенант Б. Матлюбов ўз сўзи якунида.

Танқидий руҳда ўтган мажлисда ички ишлар идоралари олдида турган галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди ва кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

З. НЕЪМАТОВ,
полковник.

Халқаро алоқалар

ДЎСТОНА ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Намиг Рашид ўғли Аббасов ташриф буюрди. Мартабали меҳмонларни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник М. Мирфайзиев қабул қилди ва суҳбатлашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани эътироф этилди. Шунингдек, мамлакатлар ички ишлар идораларининг жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган турли хил жиноятларга қарши курашда ўзаро ахборот алмашинуви ва биргаликда ҳаракат қилиш борасидаги ҳамкорлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник М. Мирфайзиев икки давлат халқлари азал-азалдан ўзаро дўстлик алоқаларида бўлиб келаётганини, маданият, фан ва иқтисодиёт бўйича яқин ҳамкорлик қилаётганини қайд этди.

Учрашувда томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар

Ўз мухбиримиз.

Суратда: *учрашув пайти.*

Дилшод ТЕШАБОЕВ олган сурат.

Умидли ёшларимиз

МУСТАҚИЛЛИК – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Улуғ мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятнинг Қизилтепа туманида туғилганман. Ёшлигимдан ҳуқуқшунос бўлишга жуда иштиёқим баланд эди. Доимо олдимга қўйган мақсадга эришиш учун жиддий ёндашиб ҳаракат қилардим. Мактаб дарсларидан ташқари турли тўгаракларга қатнашиб, кутубхоналардан кўплаб китобларни олиб мутолаа қилиб, мушоҳада юритардим. Турли мусобақаларда, туман, вилоят олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаганман. Ўз билимимни бойитиш мақсадида туманимиздаги ҳуқуқшуносликка йўналтирилган академик лицейда ўқишни давом эттирдим. 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига кириб, яқинда имтиёзли диплом билан тугаллашга муваффақ бўлдим. Ушбу ютуқларга эришишимга ота-онам, мактаб, лицейда, ИИВ Академиясида таҳсил берган устоз-мураббийларимнинг ҳиссалари беқиёс. Фурсатдан фойдаланиб, уларга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, Баркамол авлод йилида биз, ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар бугунги кунда кўплаб ютуқларга эришишимизга омил бўлмоқда. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдек шарафли ишга ҳисса қўшиш бахти насиб этганидан бахтиёрман.

Менинг кўз ўнгимда ҳамиша Тўмарис сиймоси туради. У фидойи фарзанд сифатида она-Ватан, муқаддас замин озодлиги учун жангга кириб, мардлик ва жасорат кўрсатган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бизда Тўмарис қони, унинг шижоати бор. Шу боис ҳам қаддимиз тик, қадамларимиз дадил. Орзу-интилишларимиз улуғ. Ватан ва эл тинчлиги, осойишталиги учун хизмат қилиш эса ҳар бир фарзанд учун олий саодатдир. Мустақиллигимизни асраш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз, ёшлардан ҳар жиҳатдан етук, баркамол, билимли ва зукко бўлишни талаб этади. Тобора равнақ топиб бораётган гўзал диёр – Ўзбекистонимизнинг эртаси бугунидан-да порлоқ, истиқболи буюк бўлишига ишонамиз. Бу йўлда куч-ғайратимиз, билим ва шижоатимизни аямай, янада фидойилик билан хизмат қилишга доимо шаймиз.

Наргиза ФАХРИДДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси битирувчиси, лейтенант.

Ёз – ўтмоқда соз

БУХОРОДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Ҳар фаслнинг ўз гашти бор. Болажонлар ёзни интиқлик билан кутишади, бу даврни қизиқарли ва мазмунли ўтказишади.

Бухоро вилоятида мириқиб дам оладиган, хушманзара жойлар анчагина. Бу ерларда ташкил этилган оромгоҳлар, дам олиш масканлари ҳар йили болалар билан гавжум бўлади. Ҳозирги кунга қадар вилоятдаги 175 та оромгоҳда 14 мингга яқин болалар дам олди. Айни пайтда 4 та шаҳардан ташқари ҳамда 2 та мактаб қошидаги оромгоҳларда 520 нафар болалар мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Албатта, мавсум олдидан болаларни қабул қилиш учун пухта тайёргарлик кўрилади. Хавфсизликни таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада ҳар галгидек ички ишлар ходимлари ҳамкорлик қилиб, яқиндан кўмаклашмоқда.

Республика ИИВнинг махсус кўрсатмаси ва вилоят ИИБнинг алоҳида буйруғига асосан вилоятда «Ғамхўрлик – 2010» тадбири амалга оширилмоқда. Оромгоҳларда болалар ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашни марказлаштирилган ҳолда бошқариш, келаётган маълумотларни умумлаштириш учун тезкор штаб тузилган.

«Тўдакўл» дам олиш масканини вилоят ИИБнинг ташаббуси билан бундан бир неча йиллар илгари обод қилинганди. Бу ерда 60 ўринга мўлжалланган оромгоҳ бунёд этилиб, унда ички ишлар ходимлари ва фахрийларининг дам олиши, саломатликларини тиклаш йўлга қўйилганди.

Уч йилдирки, ёз мавсумида ушбу оромгоҳда болажонлар ҳордиқ чиқаришади. Бу ерда уларнинг дам олиши баробарида жисмоний чиниқишлари, кунларни мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тажрибали тарбиячилар, ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда ҳар куни турли тадбирлар, мароқли суҳбатлар ўтказилмоқда. Болалар иштирокида саҳналаштирилган «Эртаклар – яхшиликка етаклар», «Кулги куни», «Энг чиройли жуфтлик» саҳна кўринишлари, «Оромгоҳ маликаси», «Оромгоҳ шаҳзодаси», «Қувноқ стартлар» кўрик-танловлари дам олаётганларга ўзгача завқ бағишламоқда.

Оромгоҳга ички ишлар ходими, сержант Ислом Бозоров бириктирилган. У болалар билан мунтазам спорт тадбирлари ўтказиб, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида турли суҳбатлар, мулоқотлар уюштирмоқда.

– Вилоят ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази навбатчиси, сержант Ислом Бозоров болалар билан тез тил топишиб кетди, – дейди оромгоҳ раҳбари, капитан Жавоҳир Азимов. – Унинг гиёҳвандлик, кашандалик, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуларидаги суҳбатлари жонли ва мароқли бўлаяпти.

Бир сўз билан айтганда, «Тўдакўл» дам олиш масканида болажонлар кунларини эсда қоларли ўтказишмоқда. Шаҳар ташқарисидаги «Нефтчи», «Ёш алоқачи», «Мовий гулхан», «Ёш пахтакор» сингари бир қатор сўлим масканларда ҳам таътил кўнгилдагидек ўтмоқда.

Шуҳрат РАЖАБОВ,
подполковник.
Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.
Бухоро вилояти.

Суратда: *вилоят ИИБ тасарруфидаги «Тўдакўл» болалар оромгоҳидан лавҳа.*

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 22 майдаги ҳамда Наманган вилояти ички ишлар бошқармасининг тегишли буйруқлари талабларидан келиб чиқиб вояга етмаганларнинг ёзги дам олишларини мазмунли ўтказиш, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, масканларда намунали жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар режасини амалда татбиқ этилиши натижасида болажонларнинг дам олиши кўнгилдагидек ўтаяпти.

Белгиланган чора-тадбирларнинг рисоладагидек шаклланганi туфайли биринчи ва иккинчи босқичда шаҳардан ташқаридаги 6 та ҳамда мактаблар қошидаги 62 та оромгоҳда 7085 нафар бола мазмунли ҳордиқ чиқарди.

Яқинда «Таътил–2010» мавсумининг навбатдаги босқичи ҳам кўнгилдагидек бошланди. Жумладан, Уйчидаги «Ҳумо», Попдаги «Офтобча», Тўрақўрғондаги «Ширин», Нориндаги «Норин» ҳамда Чустдаги «Тоғ шалоласи» каби оромгоҳларда 623 нафар бола ёз гаштини суришаяпти.

Барча масканларга бириктирилган ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари болаларга оловдан эҳтиёт бўлиш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ҳақида кенг тушунтириш бермоқда. Шунингдек, ВЕОҲООГ инспекторлари томонидан болаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қизиқарли суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказилаётир.

Дарҳақиқат, болаларда ҳуқуқий онгнинг ўсиши, бу борада кўпроқ билимга эга бўлиши келгуси ҳаётида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун нафақат оромгоҳлардаги, балки барча болалар ва ўсмирларнинг ҳам дам олишларини мароқли ташкил этиш учун айни пайтда алоҳида тадбирлар белгиланган.

Хусусан, вилоят ИИБ ва касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси билан ҳамкорликда профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлардан 60 нафарининг Поп туманидаги «Офтобча» болалар оромгоҳида бепул дам олишлари ташкил этилди. Шунингдек, ана шундай ўсмирлар бўш вақтини бирор-бир спорт тўгарагида ҳамда касб-ҳунар эгаллашга қаратиши учун аниқ чора-тадбирлар кўрилган.

Маълумки, ҳеч бир бола ўз-ўзидан, бирданига ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлиб қолмайди. Шуни ҳисобга олиб, болаларнинг оилавий шароити, яшаш муҳити ўрганилиб, уларнинг хулқига салбий таъсир қилувчи ҳолатлар ҳам аниқланмоқда. Буларни бартараф этиш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоли ва фаоллари ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.
Наманган вилояти.

Тадбир

ФОЙДАЛИ КЎРГАЗМА

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида Баркамол авлод йили муносабати билан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидор ва истеъдодларини янада ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида «Куч – билим ва тафаккурда» мавзусида кўргазмали тадбир бўлиб ўтди. Унда барча ўқувчилар саройлари, техник ижодкорлик марказлари, «Биоэкосан» марказларининг ёшлари ўз кўргазмалари билан иштирок этишди.

Ҳар қандай давлатнинг қудрати унинг ёшларга бўлган муносабатида билинади. Мамлакатимизда ёш авлодга берилаётган эътибор дунёдаги ривожланаётган давлатлардан кам эмас. Шу ўринда Юртбошимизнинг «Ёшлар –мамлакат келажаги. Менинг энг катта ишончим ва умидим бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир», – деган фикрларини айтиб ўтиш ўринли.

Мазкур тадбирда ҳам айнан ёшларимиз томонидан яратилган ихтиролар, янгиликлар, каштачилик, тикувчилик, рассомчилик ва шунга ўхшаш амалий санъат турлари бўйича кўргазмалар намойиш этилди. Маросимда сўз олганлар ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, таътил даврида ҳам уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, турли тўгаракларга кенг жалб қилиш кераклигини таъкидлашди.

Шунингдек, ушбу тадбир республика Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга татбиқ этиш, вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан 2010 йилга мўлжалланган ҳамкорликдаги ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазманинг аҳамиятли томони шундаки, таътил мавсумида ўқувчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг ва жиноятчиликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим ўрин тутади.

Фазилат АБДУРАҲМОНОВА,
сафдор.
Қашқадарё вилояти.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Хитойда Соғлиқни сақлаш ва Маориф вазирликлари томонидан барча ўқув муассасаларида сигарет чекиш қатъий тақиқланди. Ўқувчилар ёки талабалар у ёқда турсин, ҳатто ўқитувчи ва бошқа ходимлар ҳам мактабда, боғчада, коллежда, олий ўқув юртларида ва уларнинг атрофларида чекиши мумкин эмас.

Дарвоқе, «Xinhua» ахборот агентлигининг хабар беришича, ўқув муассасалари атрофларида сигарет савдоси ва реклама ёрлиқларини осиш ҳам тақиқланди.

Хитой профилактика тиббиёти ассоциацияси маълумотларида қайд этилишича, мамлакатда ўрта ҳисобда 350 миллионга яқин чекувчи бор. Айнан кашандалик туфайли келиб чиқадиган касалликлардан бир йилда миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юмаётган экан.

УРИШ МУМКИН ЭМАС

Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Силва янги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун мамлакат парламентига жўнатди. Мазкур қонун лойиҳаси ота-оналарнинг ўз фарзандларини уришларини қатъиян тақиқлайди.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, лойиҳа муҳокама учун эълон қилинган заҳоти унга қарши фикр билдирувчилар ҳам кўпчилик эканлиги маълум бўлди. Улар болаларни қилган айби учун жазо тариқасида уриб тарбияламаса, улардан безорилар етишиб чиқмайдими, деган хавф кўнгилларига тинчлик бермаётганини очиқ айтишмоқда.

Бироқ Президент фарзандларни жисмоний куч ишлатиб тарбиялашга қарши эканлигини қатъий таъкидлади. **«Агар уриб тарбиялашимиз натижа берганида эди коррупция бунчалик илдиз отмаган бўларди»** дея таъкидлади у.

«Новости» ахборот агентлиги хабарига қараганда, ушбу қонун лойиҳаси мамлакат миллий конгресси (парламенти)нинг иккала палатаси томонидан қўллаб-қувватлангач, қабул қилинади.

706 ТА ЯНГИ САЙЁРА ТОПИЛДИ

«Кеплер» телескопи Қуёш сайёралар тизими таркибига кирмайдиган 706 та сайёрани аниқлашга муваффақ бўлди. Ускуна ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил қилган олимлар ҳозирча улардан 306 таси ҳақидаги мақолаларни чоп этишган. Изланишларнинг батафсил баёни НАСА расмий сайтида берилган.

Айтиш зарурки, **«Кеплер»** телескопи сўнгги тажриба пайтида 43 кун давомида узлуксиз равишда самони кузатиб борган. Унинг ёрдамида аниқланган сайёралар катталиги турлича: уларнинг энг кичиги Ер билан тенг, энг улкани эса Юпитердан бироз каттароқ экан.

АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўтган йили кузда Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида йирик ўғирлик содир этган ўн нафар шахсга нисбатан айблов эълон қилинди. Тартиб посбонлари қонунбузарлар томонидан амалга оширилган қинғир иш ҳақидаги видеолавҳани ҳам кенг оммага намойиш этишди.

Унда олиб қочилган вертолётда **«G4A»** компанияси томига қўнган ўғрилар қандай қилиб қиймати 4 млн. еврога тенг қимматбаҳо қоғозлар ва маблағни ўзлари билан олиб кетгани акс этган.

Жиноятчиларнинг беш нафари ўғирликда, яна беш нафари уларга ёрдам берганликда айбланмоқда.

РОБОТ – НОГИРОНЛАРГА КЎМАКЧИ

Янги Зеландиялик олимлар ҳаракатланувчи **«Rex»** деб номланувчи робот-экзоскелетни намойиш этишди. Қизиғи шундаки, у юриш қобилиятини йўқотганларга ёрдам беришга мўлжалланган. Мазкур тадқиқот ногиронларни суянчиқ двигател аппаратдан, ногиронлик креслосидан халос этиши мумкин.

Мазкур робот жорий йилнинг ўзида мамлакатда сотувга чиқади. 2011 йилдан эса дунё бўйлаб сотилиши кутиляпти. Роботнинг баҳоси 150 минг АҚШ долларига тенг. Ҳар бир аппарат-робот индивидуал буюртма асосида ясалади.

Махсус мослама билан ҳаракатга келадиган робот электр аккумулятор ёрдамида куч олиб, одамнинг оғирлигини бемалол кўтара олади. Айтиш лозимки, «Rex» нафақат текис, силлиқ жойларда юради, балки тепага кўтарилиши, пиллапоядан тушиши мумкин.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Фахрийлар – фахримиз

ХИЗМАТДА ЎРНАК, ТАШКИЛОТЧИЛИКДА НАМУНАЛИ

Ички ишлар идораларида шахсий таркиб билан ишлаш хизмати алоҳида ўрин тутади. Уни кўзгуга қиёсласак ҳам ҳеч муболаға эмас. Чунки ходимларнинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички олами ҳам унда яққол намоён бўлади. Кўзгунинг бундай тиниқ акс этишида албатта соҳа ходимларининг жонкуярлиги, жисмонан ва маънан етуклиги, талабчанлиги, касбига бўлган садоқат ва намунали жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга.

Беруний тумани ИИБ бошлиғининг ШТБИ бўйича ўринбосари, подполковник Шуҳрат Еримбетов соҳанинг масъулиятли, фидойи ходимларидан бири. У жамоасининг касб маҳорати, жисмоний тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишда фахрийлар кўмагидан унумли фойдаланади. Уларнинг сермазмун ҳаёти ва бой хизмат тажрибалари айниқса, соҳага энди кириб келаётган ёш ходимлар учун катта наф келтиришини Ш. Еримбетов жуда яхши тушунади. Шу боис туман ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги майор Баҳодир Юсупов, "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги капитан Араббой Бекимов ва "Шоббоз" деҳқон бозори масъулияти чекланган жамияти раиси, истеъфодаги подполковник Бахтиёр Ботиров каби фаол фахрийлар билан ўрнатилган узвий ҳамкорлик, нафақат кадрларни хар томонлама етук қилиб тарбиялаш, балки ижтимоий ёрдамга муҳтож фахрийлар ва хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оиласидан хабар олиш каби хайрли ишларнинг самарали бўлишини ҳам таъминламоқда.

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини тугатиб, Беруний тумани ИИБ ЁХБда хизмат бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, – дейди сержант Ўктам Бекназаров. – Албатта, назария ва амалиёт бир хил эмас. Туман ИИБ бошлиғининг ШТБИ бўйича ўринбосарининг ёш ходимларга алоҳида эътибор қаратиши, тажрибали мураббийларга бириктириши, нафақат қийинчиликларни енгиб ўтишда, балки танлаган касбга янада садоқатни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури юзасидан "Ёшлар гиёҳвандликка қарши" мавзусида Нукус шаҳрида ўтказилган сузиш мусобақасида профилактика инспектори, катта лейтенант Ғайрат Абдуллаевнинг иккинчи ўринни эгаллаб, жамоа ҳисобида учинчи ўрин соҳиби бўлиши ва Беруний тумани ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ катта инспектори, ширали овоз соҳибаси, майор Гулнора Қабулованинг "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, республика ИИБда биринчи ва Ўзбекистон Республикаси ИИВда иккинчи ўринга сазовар бўлгани ҳам шубҳасиз, шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг меҳнати самарасидир.

Подполковник Шуҳрат Еримбетов нафақат жамоада, балки оилада, маҳалла-кўй орасида ҳам катта ҳурмат қозонган. Акасининг фарзандлари Ўткир ва Неъматлар ҳам машаққатли ва шарафли касбга ҳавас қилишиб, ўзига хос сулолани шакллантиришди. Сафдор Ўткир Еримбетов Беруний тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида, лейтенант Неъмат Еримбетов ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўқитувчи бўлиб хизмат қилмоқда.

– Хизмат вақтида ҳалок бўлган турмуш ўртоғим Мамматсолий Бобожоновнинг дўстлари, ҳамкасблари ҳар байрамда уйимизга ташриф буюриб, у кишини хотирлашади. Бу эса фарзандларимда отаси билан фахрланиш ҳиссини янада оширади. Албатта, бу хайрли ишларнинг бошида Беруний тумани ИИБ бошлиғининг ШТБИ бўйича ўринбосари, подполковник Шуҳрат Еримбетов турганини жуда яхши биламиз, – дейди Амина Матназарова.

Касбий ва жанговар тайёргарликни таъминлаб, ходимларнинг хизмат самарадорлигини оширишда муносиб улуш қўшиб келаётган подполковник Шуҳрат Еримбетовнинг ўзи ҳам бугун устоз даражасига етди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ инспектори, лейтенант Ғуломжон Эшимбетов, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ШТБИХ катта инспектори, капитан Учқун Қодиров ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ШТБИХ инспектори, капитан Шуҳрат Зариповлар устози, подполковник Шуҳрат Еримбетов билан ҳақли равишда фахрланишади.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: *Беруний тумани ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги майор Баҳодир Юсупов (ўнгда) шогирдлари подполковник Шуҳрат Еримбетов ва майор Гулнора Қабулова билан.*

Муаллиф олган сурат.

Ибрат

ИСТЕЪДОДЛИ ИНСПЕКТОР



Абдуғофур Амонтошев ўтган йили Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини тамомлаб, Навоий вилояти Учқудуқ тумани ИИБда профилактика инспектори вазифасида иш бошлади. Ўтган қисқа вақт ичида фидойилиги билан фуқаролар ўртасида ҳурмат қозонди.

Айни пайтда лейтенант А. Амонтошев «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 26-милиция таянч пункти ҳудудида истиқомат қилувчи турли миллат вакилларидан иборат қарийб 6600 нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шундан 1753 нафари вояга етмаганлардир. Осойишталик посбони маҳаллада турли тадбирлар уюштириб, ҳар бир фуқаронинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилади. Маҳалла фаоллари ва маҳалла посбони Зафар Бегмонов билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатгани муаммоларни айнан шу ернинг ўзида ҳал этиш, турли оворагарчиликлар барҳам топишида асқотаяпти. Шунданмикин, профилактика инспектори бўлиб келгандан бери маҳалла ҳудудида ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир этилмади.

– Абдуғофуржон талабчан ва қобилиятли шогирдларимиздан. У ҳар бир ишда интизомга қатъий риоя қилади. Жиноятчиликка қарши курашдаги тадбирларни самарали ташкил этаяпти. Ёш бўлса-да, халқнинг қувонч ва ташвишига шерик бўлиб келмоқда, – дейди Учқудуқ тумани ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Шокир Маликов.

Ёш бўлишига қарамай ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган А. Амонтошев ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун бор ғайрати ва маҳоратини ишга солаяпти.

Мирзо АҲАД.

Суратда: *лейтенант А. Амонтошев маҳалла посбони Зафар Бегмонов билан навбатдаги тадбирни режалаштирмоқда.*

Муаллиф олган сурат.

Кўрик-танлов

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Хоразм вилояти «Динамо» ўйингоҳида «Намунали вақтинча сақлаш ҳибсхонаси» ҳамда «Вақтинча сақлаш ҳибсхонаси аълочи милиционери» номинациялари бўйича республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ҳамда шаҳар ва туман ИИБ жамоалари иштирок этди. Танловда техник мустаҳкамлиги ҳамда барча етарли шароитларга эга бўлганлиги учун Ҳазорасп тумани ИИБ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси энг яхши муассаса, деб тан олинди.

Танлов иштирокчилари вақтинча сақлаш ҳибсхонаси аълочи милиционери номинацияси бўйича ўтказилган баҳсда 100 ва 3000 метр масофага югуриш, қўл жанги, сувда сузиш, хизмат қуролидан ўқ отиш ҳамда республика Ички ишлар вазирлигининг вақтинча сақлаш ҳибсхонаси фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. Бунда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси милиционерлари, сержантлар Иззат Жумабоев биринчи, Равшан Жуманазаров иккинчи ва Даврон Шариповлар учинчи ўринларга сазовор бўлишди ҳамда республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ғолиблар вилоят ИИБнинг Фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Худойберган ЖАББОРОВ, «Постда» мухбири.

Жараён

НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТ САРИ

Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчиларининг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириб бориш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Ички ишлар вазирининг буйруғи талабларидан келиб чиқиб, Академия раҳбарияти томонидан тегишли мутахассисликлар бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилгани катта аҳамият касб этаётир.

Яқинда 1-, 2- ва 3-курс тингловчиларидан иборат бир гуруҳ курсантлар Наманган вилояти ИИБ ва унинг қуйи тизимларида амалиёт ўташ учун келдилар. Академияда олган билимларини тўла намоён этишлари ва уни амалий иш билан мустаҳкамлашлари учун уларга барча шароитлар яратилиб, энг тажрибали ходимлар мураббий этиб тайинланди.

Вилоят ички ишлар бошқармасида малакавий амалиёт давомида тингловчиларнинг ота-оналари ва ички ишлар идоралари фахрийлари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Тоҳиржон Нутманов тингловчиларни она-Ватанга, халққа муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашда, ҳар қандай вазиятда ҳам мустақил қарор қабул қила олиш қобилиятини шакллантиришда ушбу амалиёт жуда муҳимлиги, энг асосийси, ички ишлар идораларида хизмат қилиш қанчалик масъулиятли ва шарафли эканини чуқур ҳис этишларида катта ёрдам беришини таъкидлади.

Шундан сўнг бўлғуси ҳуқуқшуносларга амалиётнинг мақсад-моҳияти, уни ўташ даврида ҳар бир тингловчи кун тартибига қатъий риоя этиши шартлиги уқтириб ўтилди.

Ҳусанбек ТУРАББОЕВ, подполковник.

Тадбир

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Баркамол авлод – юрт таянчи. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг камолини кўзлаб кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши, ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган гамхўрликлар, албатта, таҳсинга лойиқдир. Жумладан, ички ишлар идоралари сафларини жисмонан ва маънан етук кадрлар билан тўлдиришга катта эътибор қаратилмоқда. ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ёш ходимларга пухта билим ва кўникмалар берилаётган билим масканларидан.

Марказ эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилувчи мард ва жасур йигит-қизларни тарбияловчи билим масканидир. Бу ерда курсант ва сержантларнинг билим олишлари, етук мутахассис бўлиб етишишлари учун замон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган моддий-техник база яратилган. Таълим масканида сержантлар йўл ҳаракати хавфсизлиги, патруль-пост, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш ва умумий хизматлар йўналишида ҳамда бошланғич тайёргарлик курсларида, курсантлар ППХ қўриқлаш ва бошқа хизматлар бўйича зарур билимга эга бўлишади. Марказда тингловчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг илғор усуллари жорий этилганлиги, ўқув синфлари, махсус адабиётлар билан таъминлангани алоҳида эътиборга сазовордир.

Яқинда республика ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида курсантларнинг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

Марказ раҳбарияти минбарга кўтарилишди. Шундан сўнг курсантлар бирин-кетин қасамёд қабул қила бошлашди. Ички ишлар идораларнинг асосий негизи бўлмиш сержантларга эса сертификатлар тантанали равишда топширилди. Марказ бошлиғи, подполковник О. Ҳасанов битирувчиларга хизматда улкан зафарлар ҳамда ҳаёт йўллари мунаввар бўлишини тилади. Ўқитувчилар номидан ижтимоий ва сиёсий фанлар цикли бошлиғи, подполковник Ш. Ибрагимов битирувчиларнинг келгуси хизмат фаолиятларига омад тилади. Кичик сержант А. Аҳмедов ва сафдор Б. Шодиевлар билдирилаётган ишончни оқлашга ваъда беришди. Шунингдек, тадбирда бошланғич тайёргарлик курсларида ташкил этилган ўқув машғулотлари давомида алоҳида фаоллик кўрсатган, ўз касбий маҳоратини юксалтириш борасида изланиши, намунали хулқи, одоби ҳамда хизмат интизоми билан бошқаларга ибрат бўлган бир гуруҳ курсантлар марказ раҳбариятининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланишди.

– Ватанимизнинг асосий бойлиги – фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришидир, – дейди марказ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор М. Раззоқов. – Ушбу хайрли ишда жамоанинг ҳам ҳиссаси борлигидан ниҳоятда хурсандмиз. Марказимиз ички ишлар идоралари учун малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Шу билан бирга, амалиёт ходимлари ҳам ўз малака ва билим даражаларини мутассил оширишмоқда.

– Уч ой давомида мураббий ва устозлардан керакли билим, кўникмаларга эга бўлдик, – дейди сафдор А. Сайфутдинов. – Эндиги вазифамиз билим – маҳоратимизни юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилишга қаратишдан иборат.

Ҳа, ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига юклатилган вазифани сидқидилдан, шараф билан бажариши, эл-юрт ва халқ манфаатининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши даркор. Зеро, шундагина халқнинг ички ишлар идоралари ходимларига бўлган ишончи янада ортади.

Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Постда» мухбири.

Суратда: *маросимдан лавҳа.*

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

••• ИИВ Матбуот маркази хабарлари ••• ИИВ Матбуот маркази хабарлари •••

ТУНДА ДЕРАЗА ОШИБ...

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида уч номаълум шахс Жомий кўчасида жойлашган «Беруний-Барака» хусусий мебель дўконига деразани бузиш йўли билан кириб, дўкон сотувчиси А. Исломга тегишли 10 млн. сўм пулни ўғирлаб кетганлар.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тезкор ҳаракатлар олиб борилди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Шайхонтоҳур туманида яшовчи Ш. Шорасул, А. Мақсуд ва Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи О. Музаффар содир этганлиги аниқланиб, қўлга олиндилар.



КЎКНОРИ ОШКОР БЎЛДИ

Бухоро вилояти Ғиждувон туманида ўтказилган тезкор тадбир пайтида Зарангари қишлоғида яшовчи Р. Сафоев ўз томорқасида 80 туп кўкнори ўсимлиги парваришлаётгани маълум бўлди. Тезкор ходимлар мазкур хонадондан яна 1 килограммдан зиёд ана шундай гиёҳвандлик моддасини ашёвий далил сифатида олишди.

ЙЎЛ БОШИДА АДАШГАНЛАР

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида уч номаълум шахс 14 ёшли М. Акмални пичоқ билан қўрқитиб, «Nokia» русумли уяли телефонини олиб қўйишди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни 16 ёшли Б. Рустам, 1995 йилда туғилган Б. Ойбек ва унинг тенгдоши Ж. Элдор содир этгани аниқланиб, ушландилар.

Йўл бошида адашган бу ўспиринлар энди суднинг қора курсисида ўтиришларига тўғри келади.

УЙ ОЛДИДАГИ АВТОМОБИЛЬ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида кимдир А. Турғунбой томонидан қаровсиз қолдирилган «ВАЗ-2107» русумли автомашинани ҳайдаб кетди. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида автомобиль Миробод даҳасидаги 65-уй олдидан аккумулятори ечиб олинган ҳолда топилди.

Ушбу жиноятни Тошкент туманида яшовчи У. Эркин содир этгани аниқланди.

Норали ОЧИЛОВ, ИИВ ИХҲҚ ва ЮТБ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.

«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 292 маротаба ёнғин ҳолати қайд этилди. Улардан етказилган моддий зарар миқдори 4,5 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилди. Турли сабабларга кўра юзага келган ёнғинларда тўрт нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди, бир нафари эса оламдан бевақт кўз юмди. Содир бўлган ёнғинлардан 190 млн. сўмдан ортиқ қурилиш моллари, 177 млн. сўмдан зиёд моддий бойликлар қутқариб қолинишига эришилди.

Тошкент вилояти Қибрай тумани «Май» қишлоқ фуқаролар йиғини, 5-уйда яшовчи К. Шамсиевнинг уйидаги электр сим ва кабеллар қисқа туташиб, ёнғин содир бўлди. Натижада 150 кв. метр майдондаги том қисми, шифт, уй жиҳозлари ҳамда 6 тонна хашак ёнди. Шунингдек, ёнғин алангаси икки қўшнининг уйига ўтиб, 30 кв. метр майдондаги том ва шифтларга катта миқдорда моддий зарар етказди.

Самарқанд шаҳридаги Ховренко номли вино комбинати ҳудудида жойлашган омборхонадаги электр сим ва кабелларнинг қисқа туташувидан ёнғин келиб чиқди. Бунинг оқибатида цехнинг 150 кв. метр томи, шифти ва бошқа қурилиш жиҳозлари ёниб, тадбиркор катта миқдорда моддий зарар кўрди.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани Беруний қишлоғида истиқомат қилувчи И. Романова ошхонасида сув қайнатиш учун газ плитасига чойнакни қўйиб, қаровсиз қолдирди. Сув қайнаб, тошиб кетиши туфайли газ ўчиб, газ ва ҳаво аралашмаси хонага тўпланиб қолди. И. Романова электр чироқни ёқиб юборган эди, чақнаш содир бўлди. Ёнғиндан уйнинг 40 кв. метр майдондаги томи, шифти ва уй жиҳозлари ёниб, маълум миқдорда моддий зарар етказди. Хонадон соҳибаси 40 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, оғир аҳволда шифохонага ётқизилди.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғин шахсий мулкка эътиборсизлик, ёнғин хавфсизлиги талабларини бажармаслик ҳамда лоқайдлик оқибатида рўй бермоқда. Шунинг учун ҳар биримиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз, газ ва электр жиҳозлардан фойдаланганда ҳушёр бўлишимиз зарур.

Жалолиддин ҲАКИМОВ, ИИВ ЁХББ муҳандиси, катта лейтенант.

Профилатика хизмати

Бугун ички ишлар идоралари ходимларига қўйилаётган талаблар замирида битта мақсад бор. У ҳам бўлса юрт тинчлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишдир. Айниқса, ёш авлоднинг илм олиши, ҳунар эгаллаши, баркамол инсон сифатида камол топишига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

НИҲОЛ КАБИ МЕҲРГА МУҲТОЖ

Қибрай тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспекторлари томонидан ҳам болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш, улар иштирокида юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ўтказилаётган учрашувлар, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи турли мавзулардаги тадбирлар алоҳида аҳамият касб этаяпти.

– «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган режа асосида туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги таълим муассасаларида 187 марта бевосита мулоқотлар ўтказилди, – дейди ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ инспектори, лейтенант Музаффар Тожибоев. – Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун жойларда профилактик суҳбатлар уюштириб келишмоқда.

Бироқ гуруч курмаксиз бўлмагани каби, ёшлик имкониятларидан фойдаланиш ўрнига билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётган, ҳуқуқбузарлик содир этиб, жавобгарликка тортилаётган ўсмирлар ҳам афсуски, учраб турибди. Бунга эса кўп ҳолларда ота-онанинг фарзандини ўз ҳолига ташлаб қўйиши ёки оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлади. Бундай вазият бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, унинг ён-атрофдагиларга муносабати ўзгаради. У уйдан олмаган меҳр-эътиборни кўчадан излайди. Ўтган вақт мобайнида 14 нафар ота-она фарзандига салбий таъсир кўрсатгани учун профилактик ҳисобга олинди. Шунингдек, туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар жараёнида кўча ва жамоат жойларида мақсадсиз юрган 30 нафар болалар аниқланиб, тегишли тартибда вилоят ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди.

Туман ҳудудида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар иштирокида 6 та жиноят содир этилган бўлса, 4 таси ўзгалар мулки ўғрилигидир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу жиноятларнинг аксарияти оқшом ва тун чоғида амалга оширилган. Шу боис ҳам жойларда амалга оширилаётган профилактик ишларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ўсмир психологияси шундайки, унга кучли таъсир кўрсатган восита мисли тошга ўйилган битикдек онгида муҳрланиб, феъл-атворига таъсир кўрсатади. Бугун хорижнинг жангари ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмларини кўриб, ўзини ўша кино қаҳрамонларидек тутишга уриниш ҳам айрим ҳолларда оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлмоқда, – дейди лейтенант Музаффар Тожибоев. – Мисол учун, тўрт нафар номаълум шахс юзига ниқоб таққан ҳолда «Оққовоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонларнинг бирига ғайриқонуний равишда бостириб кириб, шу уйда яшовчи К. Фарида ва унинг ўғли Ф. Жамшиднинг соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, 100 минг АҚШ доллари талаб қилишган. К. Фарида уйдан қочиб чиқиб кетишга муваффақ бўлгач, нархи 35 000 сўм бўлган «Nokia» русумли уяли телефонни олиб, воқеа жойидан яширинишган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу босқинчиликни 1990 йилда туғилган И. Беҳзод, У. Абдулазиз, 1994 йилда туғилган М. Дилшод ва Т. Эркинлар содир этгани ошкор бўлди.

Шу ўринда туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ҳар бир ҳудудда муқаддам судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганларга жамоатчи тарбиячилар бириктирилиб, улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиб борилаётгани ижобий самара бермоқда.

Болажон халқимиз фарзандни ёш ниҳол каби парваришлайди, у оқу қорани таниб, ҳаётда ўз ўрнини топишига ҳаракат қилади. Айнан шу тарбия жараёнида бирор хатоликка йўл қўйилса, у салбий оқибатларни юзага келтириши тайин. Ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятни юзага келтирган сабабларни ўрганиш, оқибатларини бартараф этишга ҳисса қўшиш эса жамият тараққиёти йўлида хизмат қилаётган ички ишлар ходимларининг вазифаси бўлмоғи лозим. Чунки ёш авлоднинг оила бағрида халқи, Ватанига муносиб тарзда улғайиши эртанги кун, юрт келажаги учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Хуршид РЎЗИЕВ.
Тошкент вилояти.

Суратда: *149-сонли МТП профилактика инспектори, катта лейтенант Яҳёбек Жўраев ҳудуддаги болалар билан суҳбатлашмоқда.*

Ҳуқуқ-тартибот посбонлигида

ОБОД ҲУДУДДА ОСОЙИШТАЛИК

Данғара тумани вилоятдаги энг масъулиятли ҳудудлардан бири. У бир томондан қўшни Тожикистон Республикаси, иккинчи томондан эса Қўқон шаҳри билан чегарадош. Аҳолиси тобора кўпайиб бораётган, боз устига, кечаю кундуз келиб-кетувчилар билан ниҳоятда гавжум ҳудудда вазият барқарорлигига эришиш осон иш эмас. Аммо осойишталик посбонлари бу вазифани шараф билан уддалашаяпти.

ПАСПОРТ – ФУҚАРОНИНГ ЮЗИ

Туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Маъруфхўжа Турсуновнинг айтишича, соҳа ходимлари ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳолининг паспорт тизимига оид эҳтиёжини тўлақонли қондириш борасида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишаяпти.

Агар рақамларга назар ташланса, жорий йилнинг ўтган олти ойида 16 ёшга тўлган 1 минг 948 нафар фуқарога илк фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди, 2 минг 378 кишининг паспорти алмаштирилди. Шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатини тасодифан йўқотиб қўйган 118 нафар фуқаро ҳам янгитдан паспорт олишга муваффақ бўлишди.

Диққатга сазовор томони, бўлинма ходимларининг саъй-ҳаракати билан бу ишларнинг асосий қисми милиция таянч пунктлари, маҳаллалар, коллеж ва мактабларда амалга оширилиб, фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига йўл қўйилмади.

– Кузатишлардан аён бўляптики, ана шундай саъй-ҳаракатларимиз, қолаверса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва паспорт тизимини мустаҳкамлаш борасида жойларда ташкил этилаётган учрашувлар, суҳбатлар бесамар кетмаяпти, – дейди майор М. Турсунов. – Фуқароларимизнинг аксариятида ўз паспортини авайлаб-асраш, амалдаги тартиб-қоидаларга сўзсиз риоя этиш кўникмаси шаклланди, дейиш мумкин. Аммо шунга қарамай корхона, ташкилот, меҳмонхона, ётоқхоналар, бир нечта ўқув муассасалари, бозорлар, хонадонларда паспорт тартиботи бўйича текшириш ўтказилганда айрим қоидабузарликлар аниқланди.

Шу жараёнда 680 марта онгли равишда паспорт тизими қоидасига риоя этмаслик ҳолатлари қайд этилди. Қоидабузарларнинг 674 нафари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиб, улардан жарима ундирилди.

МДҲ мамлакатларининг 6 нафар фуқароси эса юртимизда жорий этилган умумий тартиб-қоидаларга амал қилмаганлиги, хусусан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун юртимиз ҳудудидан чиқариб юборилди. 3 киши шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги учун реабилитация марказига топширилди. Муқаддам судланган шахсларнинг 28 нафари рўйхатга олиниб, уларга нисбатан ҳисоб варақалари тўлдирилди. Уларнинг барчасига фуқаролик паспорти берилди.

Табиийки, Данғарада ҳуқуқ-тартибот барқарорлигини таъминлашда ана шундай саъй-ҳаракатларнинг таъсири катта бўлаётир.

БУ ҲАМ БИР БАХТ

Назаримизда Меликўзи Ҳасановда ички ишлар ходимига хос туғма истеъдод бор. Бундан бир йил олдин у йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидан профилактика инспектори лавозимига ўтказилганда кўпчилик эплаб кетармикан, деб иккиланган эди. Табиийки, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳалари орасида тафовут катта. Бошида Меликўзи акага осон кечмади. Аммо у тиришқоқ ва изланувчан бўлгани учун хизмат сир-асрорларини тезда ўзлаштириб олди. Кейинчалик «Тайпоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги милиция таянч пунктига профилактика катта инспектори этиб тайинланди.

Майор Меликўзи Ҳасанов янги лавозимни нисбатан юқори мансаб деб эмас, балки масъулиятнинг ортиши деб қабул қилди. Ўзининг бор билими, иқтидорини ҳудудда осойишталикни мустаҳкамлаш, маҳалла фаоллари билан янада жипслашиш, жамоатчиликни жиноятчиликка қарши курашишга жалб этишга қаратди.

Табиийки, астойдил қилинган саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Қишлоқ ҳудудида вазият барқарорлиги сезиларли даражада яхшиланди.

Яқинда шу фидойи ходимни тантанали равишда нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унинг мўъжазгина хонадони кўп сонли ҳамкасбларию, йиллар давомида орттирган дўст-ёронлари билан гавжумлашди. Кимгадир шогирд, кимгадир устоз бўлиб қолган М. Ҳасановга ўзбекона урф-одатга кўра чопон, дўппи кийдирилиб, белига белбоғ боғланди.

ДАНҒАРАДА ШУНДАЙ ЙИГИТ БОР

Бу йигит Данғара тумани ИИБ таъминлаш бўлинмасида милиционер-ҳайдовчи вазифасида хизмат қилаяпти.

– Ички ишлар соҳасидаги фаолиятимни 2006 йилда шу ерда ва айнан шу лавозимда бошлаган эдим, – дейди сафдор Абдуллажон Бойматов. – Орадан бир йилдан кўп вақт ўтгач вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонига милиционер-ҳайдовчи лавозимига ўтказишди.

У ички ишлар соҳасида ишлаш нақадар шарафли бўлса, шу қадар масъулиятли эканлигини айнан Марғилон шаҳри осойишталигини таъминлаш кезларида англаб етди. Зеро, ҳамкасби билан алоҳида экипаж ташкил қилган ҳолда кунни кун, тунни тун демай шаҳар кўчаларини тинимсиз айланар, шубҳали туюлган ҳар бир ҳолатни текшириб кўрмагунча кўнгли тинчимасди. Ҳар ўн-ўн беш дақиқада рация орқали ИИБ навбатчилик қисми билан боғланиб, вазият ҳақида ахборот берар ва қўшимча топшириқлар бор-йўқлиги ҳақида сўрарди. Тез орада унинг тиним билмаслиги раҳбарлар эътиборига тушди.

– Тунда вазият ҳақида тинимсиз хабар бериб турган бу ходим ким ўзи? – деб сўради кунлардан бир кун шаҳар ИИБ бошлиғи навбатчилик қисми ходимларидан. – Бугун идорада масъул эканлигимни билгани учун ўзини кўрсатиш мақсадида шундай қилмаяптимикан?

– Асло ундай эмас, – дейишди ходимлар. – Қўқонлик бу йигитнинг ўзи шунақа, ғайрати ичига сиғмайди.

Хуллас, Абдуллажон ППХ батальонида шу тахлит икки йил хизмат қилган бўлса, кўплаб жиноятларни фош этиш, талайгина ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга муяссар бўлди. Бир марта қоқ ярим кечаси аллақандай кимсага дуч келишди. Гумонланиб тўхтатишса, аравасига турли хил уй жиҳозларини ортиб олган экан. Марғилонликларнинг уйқудалигидан фойдаланиб содир этилган ўғирлик жинояти А. Бойматовнинг саъй-ҳаракати билан «иссиқ изида» фош этилди.

Шаҳардаги «Paynet» дўконида амалга оширилган ўғирлик ҳам шу тахлит поёнига етди. Қизиғи шундаки, мазкур дўкон эгалари ўз мол-мулкларига қилинган ва ППХ ходимларининг ҳушёрлиги туфайлигина охирига етмай қолган хуруждан эртаси куни хабар топдилар.

Сафдор А. Бойматов айни кунларда Данғара тумани ИИБда хизматни давом эттираётир. Агар ўзига қўйиб беришса Марғилонда яна узоқ ишлашни кўнглига тугиб қўйганди. Ҳамкасблари билан худди ака-укадек иноқ, қадрдон бўлиб кетган эди. Аммо отаси дурадгор, кўпинча узоқ жойларда ишлашига тўғри келади. У эса оиланинг тўнғичи. Шу сабабли қозирги эгаллаб турган лавозимини таклиф этишганда йўқ демади. Абдуллажон ишда бўлган куни хизмат автомобили эгарланган тулпордек ҳар бир чақириққа шай туради.



Суратда: *майор М. Турсунов ва кичик сержант Т. Мамажоновлар хизмат пайтида.*

Раҳмонали ҚОСИМОВ.
Фарғона вилояти.

Патруль шаҳар кезади

ТУНУ КУН БЕДОР ПОСБОНЛАР

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонига етиб борганимизда батальон командири, майор Ф.Бозоров ходимлар билан йўриқнома ўтказаётган экан. У ҳушёрлик, сезгирликни ошириш биринчи галдаги вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг барча ўз йўналиши бўйича тарқалди. Уларнинг хизмати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун Навоий шаҳрида ўз вазифасини ўтаётган йигитларга ҳамроҳлик қилдик.

Йўл-йўлакай ППХ батальони штаб бошлиғи, капитан Жамшид Насруллаев ҳар бир кўча, кўнгилочар масканлар, тунги клублар, савдо тармоқлари ҳақида батафсил тушунча бериб борди. Ёз фасли бўлганлиги сабабли шаҳарнинг аҳоли гавжум жойлари ҳисобланган бозорлар, хиёбон, боғ ва кўчаларда назорат бирмунча кучайтирилганини таъкидлади. Шундан сўнг ходимлар томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 38, соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда эса 188 та жиноят фош этилгани, бу борада жонбозлик кўрсатган 28 нафар ходим рағбатлантирилганини фахр билан тилга олди.

Машина деразасидан уфққа разм соламан. Қуёш ўз «ётоғи» томон ошиқаяпти. Кун бўйи унинг заррин нурларида қизиган Навоий шаҳрининг кўчаларидан ҳовур кўтарилган, арчазору улкан манзарали дарахтлар туфайлими ё енгил шабада эсаётганиданми, ҳаво танангизга хуш ёқади.

Бирдан шаҳардаги «Олмос» қаҳвахонаси олдида беш нафар безори икки фуқарога куч ишлатиб, уларнинг пули ва уяли телефонларини тортиб олишгани тўғрисида хабар олинди. Зудлик билан ҳамроҳимиз ўша ҳудудда хизмат ўтаётган сафдорлар Н. Қорбостиев, У. Ҳотамовлар билан боғланди. Уларга муҳим топшириқ берилди. Биз ҳам тезда ўша жойга етиб бордик. Вазият ўрганилиб, безориларнинг шахси аниқланди.

– Эътибор берган бўлсангиз, биз бошқа соҳавий хизматлар вакиллари билан ҳам ҳамкорлик қиламиз. Айниқса, йўл ҳаракати хавфсизлиги, профилактика ва тезкор хизматлар билан доимий равишда ахборот алмашинуви йўлга қўйилган, – деди капитан Ж. Насруллаев шаҳар ИИБга қайтаётганимизда.

Айни пайтда вилоятда «Қорадори–2010» тадбири ўтмоқда. «Ҳосил дала ҳовлилари» жамиятининг Зелёная кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ғ. Жаҳонгир героин савдоси билан шуғулланаётгани ҳақида хабар тушди. Биринчи отряд командири ўринбосари, лейтенант Отабек Қаҳҳоров ва ППХ батальони махсус отряди милиционери, сержант Ғайрат Қиличевлар тезкор ходимлар билан ҳамкорликда Жаҳонгир 0,02 г. героинни бир фуқарога «LG» телевизори эвазига бераётган вақтида ашёвий далил билан қўлга олинди.

Спортчилар кўчаси, 1-уйда жойлашган савдо дўконида ўғрилик жинояти содир бўлди. Номаълум шахслар бир нечта «Motorola» уяли телефонини ўғирлаб, жуфтакни ростлашади. Яна рация ишга тушди. Воқеа жойига етиб борган ППХ батальони 1-отряд командири ўринбосари, лейтенант О. Қаҳҳоров ва махсус отряд милиционер ҳайдовчиси, сафдор У. Ҳотамовлар икки нафар шубҳали шахсни тўхтатиб текширишганда, уларнинг қилмиши фош бўлди.

Биз яна шаҳар кезишни давом эттирдик. Соат 22.30 ларда Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган «Мажнунтол» қаҳвахонаси олдида жанжал бўлаётгани ҳақида рацияда хабар берилди. Автоэкипаж машинани воқеа жойига бурди. Шу йўналишда хизмат олиб бораётган ППХ батальони ходимлари, сафдорлар Жонибек Ҳайдаров ва Зоҳид Раҳматовлар ҳушёрликни оширишлари огоҳлантирилди. Биз манзилга етиб келганда бир шарпа кўринди. Уни икки ходим қувиб келаётган эди. Зудлик билан машинадан тушиб, шарпанинг олдидан тўсдик. У ИИБ ходимлари томонидан маъмурий назоратга олинган Ж. Нодир бўлиб чиқди. У бир аёлга тан жароҳати етказиб, унинг буюмлари ва тақинчоқларини олиб қочаётган экан.

Кўп ўтмай «Тез ёрдам» машинаси келиб, аёлни касалхонага олиб кетди. Биз эса Нодирни шаҳар ИИБга топширдик.

Соат миллари 01.50 га яқинлашмоқда. Ҳамон шаҳар кезмоқдамиз. Вақт ўтиши билан равон ва чароғон кўчаларда одамлар сийраклашди. Бироқ патруль-пост хизмати ходимлари ҳамон зийраклик билан атрофни кузатиб боришарди. Негадир елкасига енгил автомашина шинасини осиб олган йигит бизнинг машинани кўриб, қоча бошлади. Шу заҳоти ППХ батальони командири, майор Ф. Бозоров зудлик билан шу ҳудудда хизмат олиб бораётган сафдорлар Ш. Султонов, Ш. Иззатуллаев ҳамда 201-автоэкипаж ҳайдовчиси, сафдор А. Таниевларга номаълум шахсни қўлга олишни буюрди. Ниҳоят қочоқ ушланди. У Кармана туманида яшовчи С. Султонов экан. Олиб борилган суриштирувлар натижасида шериги Д. Рўзиев билан бирга П. Очилов кўчасидаги 5-уй ёнида қаровсиз қолдирилган «Матиз» русумли автомашинанинг ғилдирагини ечиб олибди. Тўпланган ҳужжатлар, ашёвий далил ва гумонланувчилар шаҳар ички ишлар ходимлари томонидан олиб кетилди.

Тонг отишига ҳали бир соатдан зиёдроқ вақт бор. ППХ ходимлари билан хайрлашар эканмиз, улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришаётганига амин бўлдик.

Мирзо АҲАД.
Навоий вилояти.

Кинология хизмати

ЗИЙРАК КЎМАКЧИЛАР

Афшона қишлоғидан ўтадиган йўлда кинолог, сержант Алишер Тоҳиров узоқдан чайқалиб келаётган «Ява» русумли мотоциклни гумонсираб тўхтатди. Шубҳа ўринли бўлиб чиқди. Мотоциклни бошқараётган ромитанлик Т. Фармоннинг кайфи тароқлигини билиш қийин эмасди. Боз устига, хизмат ити «Дик» унга қараб ҳура бошлади.

Фуқаро холислар иштирокида назоратдан ўтказилганда ҳаммаси аён бўлди. Унинг кўкрак чўнтагидан 5,27 гр. марихуана чиқди. Т. Фармон гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилган ҳолда мотоциклни бошқариб келаётган экан. Ёнидан чиққан оғуни ҳам ўзи учун қонунга хилоф равишда сақлаётганини тан олди. Хизмат ити «Дик»нинг ёрдами билан Пешку туманида яна бир гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят фош этилди.

Жондор тумани ИИБ ЖТСГ кинологи, катта сержант Бобир Раҳмонов ҳам «Дана» лақабли хизмат ити ёрдамида жиноятларни «иссиқ изида» очишга эришмоқда. Жумладан, туманнинг Оға қишлоғида нафақадор Қ. Рамзия хонадонига ташриф буюрганда «Дана» пиёз экилган томорқа ичига қараб интилди. Тадбир иштирокчилари полизни кўздан кечиришганда у ерда 4 туп кўкнор ўсимлиги барқ уриб ўсаётганини кўришди.

Хонадондан чиққан «Дана» яна безовталаниб, қўшни ҳовли томон интила бошлади. Ички ишлар ходимлари бу ерда ҳам томорқанинг анча қисмини эгаллаб ётган, ҳосилга кириб қолган кўкнорни топишга қийналишмади. «Дана» уларни томорқанинг орқа томонига, бир четда яширин тарзда парвариш қилинаётган экинзорга бошлади. 4х4 кв. м. майдонда 116 туп кўкнор ўсимлиги ўзини кўз-кўз қилиб турарди. Хонадон эгаси Қ. Исроил қилмишини тан олишдан бошқа чора топа олмади.

Вилоятда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир бўлган жиноятларни «иссиқ изида» очишда кинология хизматининг алоҳида ўрни бор. Жорий йилнинг ўтган ойларида хизмат итлари ёрдамида 194 та жиноят фош этилди. Кинологлар томонидан қонунбузарлардан 9,5 кг.дан ортиқ гиёҳвандлик воситалари олинди.

Кинология хизматини талаб даражасида ташкил этиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, хизмат итлари зотини, махсус йўналишлар бўйича тайёргарлигини янада яхшилаш борасида саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

– «Дана»ни ит боқаётган бир фуқародан ўзим танлаб олганман, – дейди кинолог, сержант Б. Раҳмонов. – Махсус комиссия уни хизматга яроқли деб топди. Ҳозир у уч ёшда. Шўх, ўйинқароқ бўлса-да, ўз ишини яхши билади. Машғулотларда ҳам мунтазам бирга қатнашаман. Гиёҳвандлик воситалари ва портловчи моддаларни излаб топишда ҳақиқий ёрдамчи ҳисобланади. Яхши парвариш, кўрсатилган меҳр ва эътиборни ўзининг хизмати билан оқламоқда.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга қарашли питомникка зотдор итлар келтирилиб, тажрибали кинологлар томонидан турли йўналишлар бўйича ўргатилмоқда. Жорий йилда 25 нафар ходим ва уларга бириктирилган хизмат итлари амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш бўйича машғулотларда сабоқ олишди.

Кинология хизмати ходимлари ўзларига топширилган вазифаларни уддалаш билан бирга тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муносиб улуш қўшишмоқда.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.
Бухоро вилояти.

Маърифат дарси

ИНСОН ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Дарёлар ирмоқлардан бошланади. Улкан мақсад йўлида жипслашган халқни чексиз бир уммонга менгзасак, инсонлар ана шу муаззам денгизнинг асосини ташкил қилади. Оташнафас шоир Абдулҳамид Чўлпон «Халқ – денгиздир, халқ – тўлқиндир, халқ – кучдир» деб бежиз айтмаган. Шу туфайли инсон ҳуқуқлари ғояси сўнгги асрлар мобайнида маърифатли жамиятлар томонидан гуманизмнинг олий кўринишини ифодаловчи мезон сифатида илгари сурилиб келмоқда.

Хўш, инсон ҳуқуқлари нима? Шахс ҳуқуқлари, фуқаро ҳуқуқ ва бурчлари бир-биридан қайси жиҳатлари билан фарқланади? Бу борадаги халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар нималардан иборат? Улар қайси тамойилларга асосланади? Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлардан қанчалик хабардормиз? Қуйида шу саволларга атрофлича жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Инсон ҳуқуқлари фалсафа, этика, ҳуқуқий ва сиёсий илмлар билан чамбарчас боғланган билимлар мажмуидир. Бу билимлар мажмуининг илдизи қадим-қадимларга бориб тақалса-да, унинг замонавий кўриниши Иккинчи жаҳон урушидан сўнг вужудга келди.

Инсоният бошидан кечирган энг катта уруш сифатида тарихга муҳрланган Иккинчи жаҳон уруши 61 та мамлакатни ўз домига тортди, олти йилу 1 кун давомида миллионлаб кишиларнинг тинка-мадорини қуритди. Қирқта давлат ҳудудини қамраб олган бу даҳшатли уруш ҳаракатларида 110 миллион киши қўлига қурол тутди. 50 миллиондан зиёд одам қурбон бўлди. Фашизм ва милитаризм балоси яна миллионлаб инсонлар қалбига битмас-туганмас ғам-андуҳ, жароҳат солиб кетди. Ана шу улкан йўқотишлар дунё аҳлини бошқача яшашга, тинчлик ва эзгулик йўлида кучларни бирлаштиришга даъват этди. Бундан ўзгача бўлиши мумкин эмасди ҳам.

Дарҳақиқат, инсоният маълум бир тарихий даврни бошидан кечиргач, босиб ўтилган йўлга, яқин мозийга бир қур назар ташлайди: эришган ютуқларини сарҳисоб қилади, аламли мағлубиятларини таҳлил чиғириғидан ўтказади, тузатилмас хатолардан сабоқ чиқаради. Шу тариқа келажакда бундай даҳшатларнинг содир бўлишига йўл қўймаслик, топталган инсон қадр-қимматини халқаро миқёсда тиклаш ва жаҳон ҳамжамиятининг бирдамлигини таъминлаш зарурати 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсис этилишига олиб келди. Энг муҳими, БМТ Уставининг 1-боб, 1-моддасидаёқ «Инсон ҳуқуқларига, унинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантириш» қатъий белгилаб қўйилди. Бинобарин, бу тамойиллар халқаро ҳамжамият олдидаги асосий мақсадлардан бирига айланди.

«Инсон ҳуқуқлари» иборасининг мазмун-моҳияти расман илк маробата 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўзининг аниқ ифодасини топди. 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар юқорида номи зикр этилган декларация билан қўшилиб, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид ягона умумий ҳужжатини ташкил қилади. Ушбу ҳужжатлар мажмуи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга 1966 ва 1989 йилларда қабул қилинган Факультатив протоколлар билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билл номи билан машҳур.

Инсон ҳуқуқлари, моҳият-эътибори билан алоҳида инсоннинг асосий ҳуқуқларидир. Улар шахс ва ҳокимият идоралари, айниқса давлат муассасалари билан бўладиган муносабатларнинг моҳиятини белгилаб беради. Инсон ҳуқуқлари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, шунингдек, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, тинчликка ривожланиш, тенглик ва тоза табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини ўз ичига олган жамоавий ҳуқуқлар мажмуидир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– яшаш ҳуқуқи;
– қийноқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва шахс қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларидан эркин бўлиш ҳуқуқи;
– қуллик, қарамлик ва мажбурий меҳнатдан халос бўлиш ҳуқуқи;
– озодлик ва шахсий хавфсизлик ҳуқуқи;
– озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг инсоний муомалада бўлишга бўлган ҳуқуқи;
– ҳаракатланиш эркинлиги;
– одил судловга бўлган ҳуқуқ;
– орқага қайтиш кучига эга бўлган жиноят қонунчилиги қўлланилишининг тақиқланиши;
– қонун олдида инсон сифатида тан олинишга бўлган ҳуқуқ;
– шахсий дахлсизлик ҳуқуқи;
– фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги;
– қарашлар ва сўз эркинлиги;
– урушнинг тарғиб этилиши ва миллий, ирқий ҳамда диний адоватга даъват этишнинг тақиқланишига бўлган ҳуқуқ;
– намойишлар ўтказиш ҳуқуқи;
– турмуш ва оила қуриш ҳуқуқи;
– давлат бошқарувида иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш, давлат идоралари хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи;
– камситилишлардан холи бўлиш ва қонун олдидаги тенглик ҳуқуқи.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар:

– меҳнат ҳуқуқи;
– иш жараёнида оқилона ва адолатли шарт-шароитлар яратиб берилишига бўлган ҳуқуқ;

– касаба уюшмалари ташкил этиш ва уларга бирлашиш ҳуқуқи;
– ижтимоий таъминот ҳуқуқи;
– оиланинг ҳимоя қилиниши;
– муносиб турмуш кечириш, хусусан, етарли озиқ-овқат ва кийим-кечак, уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи;
– тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи;
– таълим олиш ҳуқуқи.

Жамоавий ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат:

халқларнинг
– ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи;
– ривожланишга бўлган ҳуқуқи;
– ўз табиий бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи;
– тинчликка бўлган ҳуқуқи;
– тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи;
– миллий, этник, диний ёхуд тил бўйича озчиликни ташкил этадиган гуруҳлар ҳуқуқлари;
– туб жой аҳолисига мансуб халқларнинг ҳуқуқлари.

«Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун қўлланма» асари муаллифи Манфред Новак шундай ёзади: «Инсон ҳуқуқлари давлат ҳокимиятини чеклаш баробарида, давлат томонидан ҳар бир шахс инсон ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдалана олиши мумкин бўладиган муҳитнинг яратиб берилиши учун ижобий чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади».

Бинобарин, ўзини ҳурмат қилган, демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай давлат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масъулиятини зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин ва фаровон жамият барпо этиш йўлидан бориб ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига садоқатини амалда намоён этиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан биринчи бўлиб Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилди (1991 йил 30 сентябрь).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларга бағишланган биринчи бўлим 13-моддасида қуйидаги умуминсоний ғоялар ўз ифодасини топди: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Асосий қонунимизнинг иккинчи бўлими бевосита инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ўзида акс эттирган.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига доир 70 га яқин халқаро ҳужжатга қўшилди. БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома изчил ва қатъий бажариб келинмоқда. Республикамизда инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 200 дан ортиқ қонун қабул қилинди.

Жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан бошланади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда,ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон ва унинг манфаатлари учундир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги конституциявий кафолатлар тизимини ҳаётга татбиқ этиш жадал бормоқда. Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият демократик принциплар асосида такомиллашди. Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, шунингдек, адвокатура институтининг ислоҳ қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлар бўлди. Республикамизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва уларнинг ҳаётбахш самаралари хорижлик нуфузли мутахассислар ҳамда инсон ҳуқуқларига ихтисослашган халқаро ташкилотларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминловчи ва кафолатловчи миллий институтлар механизми яратилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий институтлар тизими шулар жумласидандир.

Табиийки, бу улкан ўзгаришларнинг аҳамиятини ва маъно-мазмунини аҳолининг барча қатламларига етказиш, уларни тарғиб-ташвиқ қилиш ҳуқуқий маданият борасида юзага келган муаммоларни ечишда беқиёс роль ўйнайди. Бугунги кунда ҳуқуқ ҳимояси мавзусига ихтисослашган йигирмадан зиёд газета ва журналлар чоп этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ҳамда маърифий тарғиботдек сермасъулият вазифани уддалашда ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва журналистлар фаоллик кўрсатишмоқда. Айниқса, қонун ижодкорлиги ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари йўналишларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, шунингдек, тадқиқотчиларнинг таҳлилга бой расмий ҳамда илмий шарҳ ва мақолалари матбуотда эълон қилинмоқда.

Оч одам мусиқани қорни билан эшитади, деган гап бор. Ўз фуқароларининг тинчлигини, хавфсизлигини, юртининг барқарор ривожланишини таъминлай олмаётган, сиёсий инқироз ёқасида турган давлатларнинг кўпини кўряпмиз. Олис-яқиндаги айрим мамлакатларда авж олган сиёсий найрангбозликлар, ҳокимият учун кураш, этник низолар, ўзаро биродаркушлик урушлари, терроризм ва қашшоқлик сингари бало-қазолар ҳамон фуқароларнинг силласини қуритмоқда. Бошбошдоқлик, парокандалик ҳукм сурган жойда, афсуски, инсон шаъни, қадр-қиммати хусусида гапиришга ҳожат қолмайди.

Шунингдек, дунё миқёсида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро вазиятга баҳо беришда айрим ҳолларда бирёқламалик ёхуд, аксинча, икки хил стандарт бўйича ёндашувни ҳам кузатишимиз мумкин. Бундай қарашлар замирида, шубҳасиз, айрим сиёсий марказларнинг ғаразли мақсадлари ётганини илғаш қийин эмас. Ҳолбуки, инсон ҳуқуқлари бирор-бир сиёсий гуруҳ ёхуд кучларнинг қўлидаги воситага айланиб қолмаслиги керак.

Яратганга шукурки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз тўкин. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати йилдан-йилга ошгани сайин инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ишончли кафолати янада мустаҳкамланмоқда. Янги барпо этилаётган шинам уй-жойлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, йўллар, кўприклар, боғ ва хиёбонлар, яратилаётган янги иш ўринлари – буларнинг барча-барчасидан кўзланган мақсад ягона: юртимизда инсон манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Олий қадрият ҳисобланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш доимий эътиборда.

Норали ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.

Юксак мукофот соҳиблари

ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Кўпчилик ички ишлар идораларида хотин-қизлар фақат ҳужжат юритиш билан боғлиқ вазифаларда ишлашса керак, деб ўйлашади. Ваҳоланки, бугунги кунда улар қўриқлаш, эксперт-криминалистика, тергов, кинология, ҳатто жиноят қидирув соҳаларида ҳам хизмат қилишмоқда...

... Ўшанда Маъмура биринчи синфда ўқирди. Муаллима ўқувчилардан келажакда ким бўлишни орзу қилишларини сўраб қолди. Маъмуранинг навбати келганда, у ўрнидан туриб дадил овозда:

– Катта бўлганимда милиционер бўламан, – деди.

– Қанақасига милиционер бўласан? – ҳайронлигини яширмади ўқитувчи. – Ахир, сен қиз боласан-ку!

– Қиз бола бўлсам нима қипти. Барибир, милиционер бўламан, – такрорлади Маъмура.

Ўқувчилик йиллари ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Аммо болалик орзуси унинг юрагини бир лаҳза бўлсин тарк этмади. Ота-онаси Абдурасул ака ва Кимсанхон опа ҳам қизларининг раъйини қайтаришмади, ИИВ Академиясига ҳужжат топширишига қаршилик қилишмади.

Тингловчилик йиллари бор куч-ғайратини, имкониятларини ишга солиб ўқиди. Иложи борича кўпроқ билим олишга ҳаракат қилди. Мустақил тайёргарлик соатларидан самарали фойдаланди. Спортнинг қўл жанги ва самбо турлари билан жиддий шуғулланди.

– Устозларимнинг сабоқларини, ўгитларини ҳали-ҳануз ёдда тутаман. Ўқув юртида олган назарий билимларим, орттирган амалий кўникмаларим ҳозир жуда асқотяпти, – дейди Маъмура Жалилова.

У ИИВ Академиясини эксперт-криминалист ихтисоси бўйича муваффақиятли тугатгач, қадрдон билим даргоҳидаги ички ишлар идоралари раҳбарлари таркибини тайёрлаш бўйича олий академик курслари катта ўқитувчи-методисти этиб тайинланди. Маъмура қўл остидаги 80 нафар курсант қизга ҳам устоз, ҳам опа бўлди. Улар ўртасида тарбиявий ишлар олиб борди, турли муаммоларини ҳал этишларида кўмаклашди.

2007 йилда оилавий шароитига кўра Андижонга қайтгач, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили лавозимига тайинланди.

– Янги жойда соҳанинг сир-асрорларини ўрганишимда устозларим ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Э. Ҳайдаров ҳамда бўлим бошлиғи, подполковник Ш. Низомов яқиндан ёрдам беришди, – дейди майор Маъмура Жалилова.

... Навбатчилик қисмига бир хонадонда босқинчилик содир этилгани ҳақида хабар қилишди. Воқеа жойига зудлик билан тергов-тезкор гуруҳи етиб борди. Гуруҳ таркибида вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор М. Жалилова ҳам бор эди. Жабрдийда – ўрта ёшлардаги аёл М. Нафиса жазавага тушганча юз берган воқеани баён қиларди.

Унинг айтишича уйда ёлғиз эканлигида икки номаълум эркак бостириб кирган. Қўлларини боғлаб, қайнатанг пулларини қаерга яшириб қўйганини айт, бўлмаса ўлдирамиз, деб қўрқитишган. Аёл уларнинг калтакларига чидаган. Аммо бўғзига пичоқ тирашгач, қўрқиб кетиб, пуллар сақланадиган жойни кўрсатган.

Қизиғи шунда эдики, босқинчилар тўрт миллион сўм пулдан фақат 500 минг сўминигина олишганди. Изқуварлар аёл ҳой-наҳой терговни чалғитиш учун ниманидир яшираяпти деган тахминга келишди. Майор М. Жалилова Нафиса билан очиқчасига гаплашиб олишга қарор қилди. Шунда жувон бир-бирига тўғри келмайдиган кўргазмалар бера бошлади. Охир-оқибат эса босқинчилик ҳақидаги воқеани ўзи тўқиб чиқарганлигини тан олди.

Аслида воқеа қуйидагича юз берган экан. Яқин дугонаси унга қимматбаҳо тақинчоқлар таклиф қилади. Ёнида етарлича пули бўлмагани учун Нафиса қайнатасининг пулидан олади. Сири фош бўлмасин деб юқоридаги воқеани ўйлаб топади. Ушбу жиноят бир сутка ичида очилди...

Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чеккан минглаб аёллар, кексалар ва болалар юртимизнинг Андижон вилоятидан паноҳ топишди. Майор М. Жалилова бошқа ички ишлар идоралари ходимлари қатори уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ишига жалб этилди. У аёл ходимлар билан бирга жабрланганларга яқинларини топишларига, маиший шароитлар яратишга яқиндан кўмак берди. Керак бўлганда, вазият тақозо қилганда кечаю кундуз жонбозлик кўрсатди. Натижада жабрланганлар жойлашган лагерлар ҳудудида жамоат тартиби таъминланди, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўйилмади.

– Ўз касбимни жуда севаман. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Бўлимда фаолият кўрсатаётган эркаклар мени худди ўзларининг опаси, синглисидек аяшади, ғамхўрлик кўрсатишади, – дейди Маъмура.

Майор М. Жалилова Андижон вилояти ИИБ ходимлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган. У жамоат ишида ҳам фаол, вилоят ИИБ Хотин-қизлар кенгаши раиси.

Яқинда Андижон вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Маъмура Жалилова Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда бошқаларга ўрнак бўлиб фидокорона хизмат қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Борис КЛЕЙМАН.
Андижон вилояти.

Андижон вилояти Хўжаобод тумани ИИБ ҲООГ профилактика инспектори, капитан Паҳлавон Шокиралиев маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, ярашитириш комиссияси аъзолари, хотин-қизлар кенгаши билан яқин ҳамкорлик қилаётгани натижасида ҳудудда жиноятлар камайиб бормоқда. У хизмат қилаётган 237-милиция таянч пунктида ўзларини қийнаётган муаммолар бўйича мурожаат этаётган фуқароларни қабул қилиш учун барча шароитлар яратилган.

Суратда: *туман ИИБ ҲООГ* бошлиғи, капитан Нодирбек Қаюмов (чапда) ва капитан Паҳлавон Шокиралиев.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Кадрлар – етакчи куч

КАСБИЙ МАҲОРАТ ЖАНГОВАРЛИКНИ ОШИРАДИ

Ички ишлар идораларидаги ислоҳотлар ҳар бир ходимдан алоҳида масъулият, фидойилик, том маънодаги ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб хизмат қилишни тақозо этади.



Жумладан, Фарғона вилояти ички ишлар идоралари ходимлари тинчлик ва осойишталикни, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда ўтказилган "Тозалаш", "Антитеррор", "Ҳаракат хавфсизлиги куни" каби махсус тадбирларда фаол қатнашиб, ўзларининг юқори даражадаги касб маҳоратларини кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, ҳар хил жиноий ва диний-экстремистик унсурларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш мақсадида вилоятнинг чегара туманларида кенг қамровли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларда давлат чегарасининг муқаддаслиги, уни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги, республика қонунларининг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинаяпти.

Шу билан бирга, ходимларимиз иқтисодиётимизни ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг асосий соҳаси бўлмиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиб олишда ҳам деҳқонларимизга яқиндан ёрдам бераяпти.

Баркамол авлод йилида ёш ходимларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг иқтидорини, билим ва тажрибаларини ошириш, ташаббус кўрсатишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу борада вилоятда ички ишлар идоралари сафларини Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қадди-басти келишган, истарали, маънавий баркамол, жисмонан кучли, азму шижоатли энг муҳими, Ватани ва халқига садоқатли ёшлар билан тўлдириш, мунтазам равишда уларнинг жанговар касб маҳоратларини ошириб бориш, ҳар бир ходимнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, самарали хизмат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадида шахсий таркиб билан олиб борилаётган якка тартибдаги тарбиявий ишларнинг савиясини ошириш, ходимларнинг жанговар хизмат ва жисмоний тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билим савияларини ўстириш борасидаги ишларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб олинган.

Ходимларнинг бир-бирига ҳурмат, меҳр-оқибат, хизмат бурчига садоқат туйғулари устун бўлган ахлоқий-руҳий муҳитни таъминлаш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар яхши натижа бераяпти. Бу тадбирлар ёш ходимларнинг ўз касбига, жамоасига бўлган садоқатини кучайтиришда муҳим омил бўлаётир. Ходимлар маънавий салоҳиятини ошириш кун тартибидаги энг долзарб вазифа ҳисобланади. Зеро, хизмат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамловчи энг муҳим омил ҳам шудир. Шахсий таркиб ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг савиясини яхшилаш, бу борадаги тадбирларни давр талаби асосида ташкил қилиш вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг диққат марказида.

Хизмат самарадорлигини ошириш, тарбиявий ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида раҳбарлар ҳар бир ходимнинг маҳалласига, оиласига бориб, оила-аъзолари, шароити билан яқиндан танишмоқда. Шунингдек, ходимнинг маҳалладаги ўрни, ўзаро муносабатлари ўрганилмоқда. Бу тадбирлар жамоадаги ахлоқий-руҳий муҳитни, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

Вилоят ички ишлар бошқармаси, соҳавий хизматлар, қолаверса, шаҳар-туман ички ишлар идоралари раҳбарлари жиноятчиликнинг олдини олишда, унга қарши курашда, содир этилган жиноятларни фош этишда, қисқа қилиб айтганда, фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишда намуна кўрсатган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга, улар тажрибасини оммалаштиришга жиддий аҳамият қаратмоқда. Ходимларнинг юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ва шарафли ишлари республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг Фармонига асосан бир қатор ходимлар юксак мукофотларга сазовор бўлишди.

Шахсий таркибнинг жанговар, жисмоний ва касбий тайёргарлигини ва дала шароитида ўтказиладиган машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, дала ўқув марказида, махсус режа асосида жисмоний ва касбий тайёргарлик машғулотлари мунтазам ўтказилиб борилаяпти. Бу ходимларнинг жанговар салоҳиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бўрибой ОМОНЗОДА,
подполковник.
Фарғона вилояти.

Суратларда: *шахсий таркибнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билим савиясини, жанговар хизмат тайёргарлигини ошириш борасида Фарғона шаҳар ИИБда олиб борилаётган ишлардан лавҳалар.*

Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ВА ИҚТИСОДИЁТ

Бугун футбол ҳақиқий маънода миллионлар ўйинига айланди. Чунки ушбу спорт тури дунёнинг турли ҳудудларида миллионлаб мухлисларга эга бўлди. Қолаверса, ҳозир футболда ақл бовар қилмас даражада пул маблағлари айланмоқдаки, бу ҳол бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Келинг, яқиндагина ниҳоясига етган жаҳон чемпионати дунё иқтисодиётига қандай ўзгаришлар олиб келганлиги тўғрисида сўз юритайлик.

Таҳлилчиларнинг эътироф этишича, мундиал вақтида меҳнат унумдорлиги пасайган. Сабаби, кўплаб мамлакатларда ишчи-ходимлар ишга кечикиб келишган. Бразилияда эса ишчиларнинг турли сабабларга кўра умуман ишга келмаслик ҳолатлари ҳам кузатилган. Албатта, бу ўз-ўзидан ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигининг пасайишига олиб келган. Аксинча, чемпионат давомида савдо ҳажмининг ортиши кузатилган. Британиялик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларига кўра, мундиал пайтида алкоголь маҳсулотлари, салқин ичимликлар, диванлар ва телевизорлар энг кўп харид қилинган.

Жаҳон чемпионати футбол оламидаги энг нуфузли мусобақа бўлиш билан бирга йирик бизнес лойиҳаси ҳамдир. Жаҳон чемпионатига ҳомийлик қилган компаниялар, масалан, Coca-Cola, Adidas, Emirates ва Visa 24 миллиондан 44 миллион долларгача фойда кўришган.

Чемпионатни ташкил этишда мезбон мамлакат ва ФИФА кўпроқ фойда кўради. Норасмий маълумотларга таяниб гапирадиган бўлсак, Жанубий Африка Республикаси мазкур мусобақадан жами 5 миллиард доллар даромад олган. Сарфланган харажатлар эса 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Дарвоқе, мундиалдан энг катта даромад олган мамлакат Франция ҳисобланади. 1998 йилда французлар кам харажат қилгани ҳолда 350 миллион доллар соф даромад олишганди. Бироқ ЖАР ушбу рекордни йўққа чиқариши мумкин. Чунки мезбон давлатнинг соф даромади тахминан 400 миллион доллар бўлиши кутилмоқда, лекин буни расман тасдиқлаш учун ФИФАнинг якуний ҳисоботини кутишга тўғри келади.

Ва ниҳоят, яна бир қизиқ маълумот. Британиялик тадқиқотчилар ЖАР-2010 аудиториясига боғлиқ масалаларни тадқиқ этиб, дунё аҳолисининг 80 фоизи мундиал ўйинларини томоша қилган, деган тўхтамга келишди. Демак, буларнинг барчаси, энг аввало, футболнинг қизиқарли ва жозибадорлиги, кутилмаган натижаларга бойлиги сабаб.

Камол АЛЛАЁРОВ.

Теннис

ДЕНИСНИНГ ЧИРОЙЛИ ҒАЛАБАСИ

Германиянинг Гамбург шаҳрида Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мусобақалари тақвимига киритилган "German Open – 2010" халқаро теннис турнири қизғин паллага кирди.

Дунёнинг энг кучли теннисчилари иштирок этаётган мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Денис Истомин чорак финалга йўлланма олди.

Дастлабки учрашувда чехиялик Лукаш Росолни 3:6, 6:4, 6:3 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртимиз навбатдаги беллашувда бешинчи рақамда сараланган испаниялик Николас Алмагро билан рақобатлашади. Иккинчи давранинг энг кескин ва муросасиз ўтган баҳсида 7:6, 7:6 ҳисобида зафар қучган Денис энди германиялик Юлиан Рейстерга қарши кортга чиқади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Дунё спорти янгиликлари

МАРАДОНА ЎЗ ЎРНИДА ҚОЛАДИМИ?

Аргентина терма жамоаси бош мураббийи Диего Армандо Марадона ўз вазифасида қоладими ёки йўқми деган савол кўпчилик футбол ишқибозларини қизиқтирмоқда. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, келаётган душанба куни Аргентина футбол иттифоқи президенти Хулио Гронадо Марадона билан учрашади. Шу куни машҳур мураббийнинг терма жамоада қолиш ёки қолмаслиги ҳал бўлади.

ШОҲСУПАДА – ПЕШҚАДАМЛАР

Канаданинг Роберваль шаҳрида очиқ сув ҳавзасида сузиш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Беш километр масофага сузиш баҳсида германиялик Томас Лурц маррага биринчи бўлиб етиб келди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Евгений Дратцев (Россия) ҳамда Фрэнсис Криппен (АҚШ)лар банд этишди.

ЧОПҚИРЛАР ҒОЛИБ

Париж шаҳрида енгил атлетика бўйича «Бриллиант лига»нинг тўққизинчи босқичи якунланди. Унда эркаклар ўртасида 100 метр масофага югуриш баҳсида дунёнинг энг чопқир спортчиси ямайкалик Усейн Больт 9,84 натижа қайд этиб марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Унинг ҳамюртлари Асафа Пауэлл ва Йохан Блэйклар кейинги ўринларни эгаллашди. Аёллар ўртасида 200 метрга югуриш беллашувида эса америкалик Эллисон Феликсга тенг келадигани топилмади.

ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ ТАЙИНЛАНДИ

Жанубий Корея терма жамоасига янги бош мураббий тайинланди. Хо Чжун Мунинг ўрнини Чо Кван Рэ эгаллади. Ушбу футбол мутахассиси шу пайтга қадар маҳаллий «Кеннам» жамоасини бошқариб келаётганди. Чо Кван Рэ 1970-1980 йиллар орасида Жанубий Корея терма жамоаси таркибида ярим ҳимоячи сифатида майдонга тушган. Чонинг терма жамоа бош мураббийлигидаги илк учрашуви жорий йилнинг 11 август куни Нигерия термаси билан бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоанинг собиқ устози Хо Чжун Му Жанубий Кореяни ЖАРдаги мусобақада 1/8 финалга қадар олиб борган ва ўз тарихларидаги иккинчи яхши натижани қайд этди.

АҚЛ БАҲСИ

Германиянинг Дортмунд шаҳрида шахмат бўйича супертурнир ўтказилди. Бешинчи тур доирасида бўлиб ўтган беллашувларда россиялик Владимир Крамник оқ доналарда Аркади Найдич (Германия)га қарши дона сурди. Қизиқарли кечган баҳсда Крамник рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Мусобақа жадвалини украиналик шахмат устаси Руслан Пономарёв 3,5 очко билан бошқариб турибди. Шахрияр Мамедьяров (Озарбайжон) ҳамда Ле Куанг Льем (Вьетнам)лар ҳисобида эса 3 очкодан бор.

Саломатлик сабоқлари

КАМҚОНЛИКДАН САҚЛАНИНГ

Камқонликка одамлар аксарият ҳолларда кўпам аҳамият беравермайди. У ҳақда худди бурун битишига ўхшаш, даволасанг ҳам ўтади, даволамасанг ҳам, деган фикр мавжуд. Аслида эса ундай эмас. «Анемия» сўзининг таржимаси «қон йўқлиги» деган маънони беради. Бу организмда қон етмайди дегани эмас, балки қонда эритроцитлар ва гемоглабин миқдорининг камайганлигидир, яъни қон таркиби мукаммал эмаслигини англатади.

Кўпинча мазкур хасталикда тўқима ва органлар гипоксияси кузатилиб, жиддий эътибор қаратилмаса, дистрофияга олиб келади. Натижада инсоннинг ички тизимлари тўлақонли иш бажара олмайди. Бундан ташқари, организмда моддалар алмашинувининг якуний маҳсулотлари йиғила бошлайди. Эркакларда гемоглабин миқдори 130 г/л, аёлларда эса 120 г/л, ҳомиладорларда 110 г/л дан кам бўлганда анемия ташхиси қўйилади.

Касаллик асосан гармонал бузилишлар – жигар, буйрак, овқат ҳазм қилиш аъзоларининг бузилиши, инфекцион ва алкоголли ичимликларни сурункали истеъмол қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин.

Камқонлик хасталигига чалинган кишиларда рангпарлик, ҳолсизлик, тез-тез эснаш, бош оғриғи, қулоқларда шовқин, ҳансираш, тирноқлар синувчанлиги, соч тўкилиши, юракда оғриқлар кузатилади.

Бундан ташқари, қон кетиш натижасида (постгеморрагик) қон ҳосил бўлишининг бузилиши, қон элементларининг парчаланиш натижасида ҳам камқонлик ҳосил бўлади. Шунингдек, унинг бир неча турлари ҳам учрайди. Улардан бири темир танқислиги анемияси. У энг кўп учрайдиган касаллик бўлиб, организмда темир моддасининг ёмон сўрилиши, ҳомиладорлик, кўп қон йўқотиш, балоғат даврига ўтиш жараёнида кузатилиб, бунда суяк кўмагида гемоглабин кам, майда эритроцитлар ишлаб чиқара бошлайди. Бу эса юқорида келтирилган симптомларга олиб келади.

Ушбу дардга чалинган кишиларни даволаш уни келтириб чиқарадиган сабабларга кўра олиб борилади. Масалан, темир танқислигида темир моддалари билан, принициоз анемияда витамин В 12, спру касаллиги оқибатида келиб чиққан камқонликда фолий кислотаси каби препаратлар билан муолажа ишлари олиб борилади. Бу препаратлар шифокор маслаҳатига кўра узоқ вақт давомида қабул қилинади. Бундан ташқари овқатланиш режимига катта аҳамият бериш керак. Дардга чалинган беморлар мол ва товуқ гўштлари, оқсилларга бой тухум, балиқ икраси, темир моддасига бой картошка, қовоқ, пиёз, саримсоқпиёз, салат, гречка, қулупнай, узум, бақлажон, ўрик, олча, нок ва жўхори маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиши керак. Шулар қаторида темир моддаси яхши сўрилиши учун аскорбин кислотаси жуда зарур.

Шуни айтиб ўтиш кераккики, чой, шоколад ва кофе таркибидаги кофеин моддаси темир моддасининг сўрилишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун овқат истеъмол қилганда бу маҳсулотлар ўрнига қатиқ, мева шарбатлари, сок ёки минерал сув истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Гулсара АБДУЛЛАЕВА,
республика Ички ишлар вазирлиги Марказий поликлиникаси шифокори.

АҚЛ ЧАРХИ

НАВБАТДАГИ МАШҚЛАР:

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.



Билимингизни синаб кўринг! Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-40-92 рақамли телефон орқали билдиришингиз мумкин.

Ҳукм ўқилди

ТЕКИНТОМОҚ ТОВЛАМАЧИЛАР

Навоий вилояти ИИБ терговбошқармасининг катта терговчиси, капитан Азиз Ғаниев яқинда беш товламачининг қилмишларига оид айблов хулосасини кўриб чиқди. Уни варақлаган сайин товламачилардан нафратингиз ошади. Улар жабрланувчи ва унинг яқин қариндошларига айрим маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, катта миқдорда пул талаб қилишган. Кейин эса...

Шу йилнинг бошида Нормамат Омонов ҳамда Набижон Мирзановлар Хатирчи туманидаги "Раҳмат" хусусий фирмасининг директори Раҳматилла Бадаловга тазйиқ ўтказишади. Яъни, корхонага қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасига бориб, 20 литр бензинни текин беришини талаб қилишади. Акс ҳолда, устидан давлат солиқ инспекцияси ва бошқа ташкилотларга шикоят ёзиш билан қўрқитадилар.

Орадан бир ой ўтмай Нормат ва Набижон навбатдаги "асар"ни бошлаб қўйишди. Уни яратишда "ҳаммуаллиф"лар сафи кенгаймаса иш кўнгилдагидек кечмас эди. Тезда шериклар ҳам топила қолди. Бир эмас, уч нафар "ёзғувчи" бунга рози бўлди. Улар Азиза Ўринова, Саъдулло Ҳайитов, Ўктамжон Абдураззоқовлар эди. Бу галги "асар"га қаҳрамон этиб Санжарбек Шоимов танланди. Яхшиси, унинг терговчига берган кўрсатмасидан айрим сатрларни келтирсак:

– "2009 йил декабрь ойида Хатирчи туманидаги "Пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамиятидан отамнинг "КамАЗ" русумли юк машинасида 34 тонна 280 кг. чигит олиб чиқиб, шерикларим билан бирга сотиб юбордик. Кейин қилмишимиз фош бўлиб қолди. Бизга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Қизилтепа туманидаги Ванғози мой заводига каттагина моддий зарар етказгандик. Келтирилган зарарни қоплаганимиздан сўнг барчамизни озод этишди.

Озодликка чиққаним муносабати билан дўстларимга чойхонада зиёфат уюштирдим. Бу ерда Саъдулло акани учратдим. У бир жувон ва йигит билан овқатланаётган экан.

— Қамоқдан чиққанингдан сўнг нега менинг олдимга ўтмадинг, — деди жувон кутилмаганда.

— Нимага боришим керак? — сўрадим мен.

— Қамалиб ҳам кўзинг очилмабди.

Икки кундан сўнг Азиза учрашишни таклиф қилди. Чойхонада эрталабки нонуштани бирга қилдик.

— Унаштирилган экансан. Бизга хизмат қилмасанг, бўлажак қайнатанг ва келинга сен ҳақингда ёмон гаплар тарқатаман, — деди у.

Ҳайкалдек қотиб қолдим. Бир хаёл Азизани олдингга солиб, қувиб юбор, – дейди. «Яхшиси келишаман, от билан туя олармиди».

Э йўқ, бе йўқ: "Олти кишига бир миллион сўмдан пул берасан", деди аёл дабдурустдан.

— Менда бунча пул йўқ, инсофингиз борми, опа, – дедим.

— Душанбагача топ, аммо бугун ўша олти кишига чой берасан. Улар чойхонада ўтиришибди.

30 минг сўм санаб бердим. Азизанинг иштаҳаси очилди: "Мен учун балиқхонада алоҳида жой ташкил қил", – деди. Рози бўлмасдан иложим йўқ эди. Азиза: «Агар мени ушлаб берсанг, Саъдулло сени автомашинанг билан бирга йўқотиб юборади" – деди.

Улар мен ва оила аъзоларимга зарар етказишмасин, деган мақсадда вилоят ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилдим. Кейин айтилган олти миллион сўмни йиғиб, Азизага топширдим. Аввалига товламачи иккиланиб турди, аммо пулнинг оҳанрабоси уни қопқонга туширди.

Шуни унутмаслик керакки, товламачилар тутилди, дегани бундай иллатлардан буткул қутулганимизни англатмайди. Орамизда шундай диёнатсиз одамлар учраб турган экан, огоҳлик ва ҳушёрликни янада кучайтиришимиз зарур.

Яқинда товламачи "ёзғувчи"ларнинг барча кирдикорлари фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг ҳукми билан Азиза Ўринова, Саъдулло Ҳайитов ва Нормамат Омоновлар олти йил, Ўткир Абдураззоқов эса уч йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг яна бир жиноий шериги Набижон Мирзанов эса вилоят ИИБ томонидан қидирилмоқда.

Мирзо АҲАД.
Навоий вилояти.

Қилмиш - қидирмиш



САЁҚЛИК ОҚИБАТИ

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида яшовчи Э. Фарида Жиззахга келиб, савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрди. Ўғли, онаси билан яшаётган уч хонали уйни сотиб, бир хонали уй олди, қолган пулга енгил машина сотиб олиб, киракашлик қила бошлади. Онаси билан ўғлини эса Булунғурга жўнатиб юбориб, бир хонали уйини ҳам ижарага берди.

– Ижарачим кўнглимдаги одам экан, – деди у дугонасига мақтаниб. – Эрталаб ишга кетиб, кечқурун келаркан. Кундуз кунлари бемалол ишрат қилсам бўлаверади.

Бир куни ижарачи уйга келса эшик очиқ, ичкарида Э. Фарида жонсиз ётар, ошхонадан эса газ ҳиди анқирди. У эшик-деразаларни очиб, дарҳол Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимига хабар берди. Бу мудҳиш воқеа жойига тезкор ходимлар етиб келишди.

– Дастлабки текширувда аёлнинг газдан заҳарлангани аниқланди, – деди Жиззах вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, полковник Олимжон Қосимов. – Ижарада турган йигит хизматдан кечки пайт қайтгани инобатга олинса, хонага камида уч-тўрт соат газ тарқалиб турган. Лекин газ плитасидан олинган бармоқ излари хонадонда бошқа бир шахс бўлганидан дарак берди. Экспертлар аёлнинг бўғиб ўлдирилганини тасдиқловчи белгиларни ҳам аниқлашди. Ана шунда қотиллик амалга оширилганига шубҳа қолмади. Суриштирув давомида қўшнилар кундузи, яъни ижарачи ишда бўлган пайтлари бир неча марта аёлнинг эркаклар билан хонадонга кириб кетганини айтишди. Охирги, яъни қотиллик содир этилган куни эса аввал аёлнинг ўзи, бироз вақт ўтиб, 30-35 ёшлардаги бўйдор, бақувват бир йигит келганини кўришган.

Тезкор ходимлар суриштирув давомида маҳалладан ташқари аёлни таниган киракашлар, илгари бозорда ёнма-ён савдо қилганлар, аввал яшаган уйдаги қўшнилари билан суҳбатлашишди. Ўша куни Э. Фариданинг қаерларда бўлгани аниқланди.

– Аёлни таниганлар унинг айрим эркаклар билан маишат қиламиз, деб пулини шилиб, алдаб кетиши ҳақида гапириб қолишди, – деди вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, лейтенант Лутфулла Норбеков. – Э. Фаридани қотиллик содир бўлган куни эрталаб бир йигит билан қаҳвахонада, тушдан кейин эса иккови унинг машинасида кўришган. Суриштирувда йигитни танийдиганлар ҳам топилди. Аёлнинг танишларидан телефон рақамини олиб, қўнғироқ қилганимизда, эркак кишининг жавоби эшитилди-ю телефон ўчирилди.

Жиноят қидирув хизмати ходимлари фурсатни бой бермай, тез ишга киришишди. Аниқ маълумот олиш учун анча тер тўкилди. Кунни тунга улаб қилинган саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Э. Фарида билан бирга қаҳвахонада маишат қилган йигитни Мирзачўл туманидан ушлаб келишди. Ундан аёлга тегишли бўлган уяли телефон ашёвий далил сифатида олинди. Дастлабки суриштирувдаёқ Самарқанд вилоятилик С. Баҳром воқеани бирма-бир айтиб берди.

Ўша куни Э. Фарида С. Баҳромни бозор ёнида учратиб, гапга солади ва манзилига машинасида олиб бориб қўйишини илтимос қилади. С. Баҳром аёлнинг ишвасига учиб, машинага ўтиради. Йўл-йўлакай Фарида уни зиёфатга таклиф қилади. Хуллас, икковлон қаҳвахонада маишат қилишади. Аёл йигитни авраб, ёнидаги анча пулини шилиб олади, кейин пайт пойлаб қочиб кетади. Йигит емак учун пул тўлаб чиқиб уни излайди, аммо тополмайди. Кейин танишларидан уйининг манзилини билиб олади. Борганида аёл ўн беш-йигирма дақиқалар аввал келиб, дам олаётган бўлади. У аввалига эшикни очмайди, йигит эшикни бузаман, дея дўқ қилгач, уни ичкарига киритади.

Йигит маишатни давом эттирамиз, деб қатъий туриб олади. Шунда аёл:

– Мен катта фирмаларнинг эгалари билан ишрат қиламан, сен менга муносиб эмассан, – деб мазах қилади.

С. Баҳром жаҳл устида унга ташланади. Аёл бақирмоқчи бўлганида оғзини ёпади, бир қўли билан бўйнига чанг солади. Э. Фарида типирчилаганча жон беради. Йигит қотиллик изини йўқотиш мақсадида газ плитасини бураб, аёлнинг уяли телефонини олди-да, чиқиб кетади.

– Шу ўринда ходимларимиздан катта тезкор вакил, майор Р. Эшмирзаев, тезкор вакиллар, капитан А. Ражабов, лейтенант Л. Норбековларнинг хизматларини айтиб ўтиш жоиз, – деди полковник О. Қосимов. – Улар жиноятни тезда очиб, айбдорни топишда жонбозлик кўрсатишди.

Қилмиш-қидирмиш, деб бежиз айтишмайди. Шарм-ҳаёни унутиб, пул топиш учун тубан ишлардан ҳам қайтмаслик оқибати ана шундай фожиа билан якун топди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Жиззах вилояти.

Йўл бошида

ЎЙЛАМАЙ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Самариддин замонавий, «кўча кўрган» йигитлардан. Аниқроғи, ўзини шундай ҳисоблайди. Ҳали ўсмир ёшда бўлса-да, гап-сўзлари дадилгина. Самариддин билан биринчи марта сўзлашаётган одам уни анчагина уддабурон деб ўйлайди. Аслида эса ундай эмас. Коллежда таҳсил олса-да, дарсларга ёлчитиб бормайди. Куни компьютер клубларию кўчада ўтади. Бугун ҳам ўртоғи Али билан кўча айлангани чиқди. Кечки соат олтига яқинлашган, кимдир ишдан қайтяпти, кимдир ўз уйида турли юмушлар билан банд. Аввалига маҳалла ҳудудидаги бозорга киришди. Бекорчиликдан нима қилишини билмаётган бу ўсмирларга катта ёшли таниши Санжар учраб қолди. У ўзининг «Матиз» русумли автомашинасида киракашлик қиларди. Самариддин:

– Санжар ака, зерикиб кетдик-ку, бир айлантириб келмайсизми, – деди. Санжар эса:

– Пулини тўласаларинг бўлди, айлантириб келавераман, – дея жавоб қилди.

Шундай қилиб йигитчалар машинага чиқишди. Икки соатлар чамаси шаҳар кўчаларини айланишгач, қорнилари очиб овқатланиб олиш учун «сайрни» тўхтатишди. Киракаш икки ўртоқни бир ошхона ёнида ташлаб кетди. Улар овқатланиб ўтиришар экан, Самариддиннинг уяли телефони жиринглади. Дўсти Беҳрўз экан. Беш-олти ўртоқ йиғилишганини, уни ҳам сўрашаётганини айтди. Самариддин билан Али тез овқатланиб бўлишди-ю, Беҳрўзнинг ёнига кетишди.

Ўртоқлар ёнида чиқинди ташлайдиган қутилар қўйилган қурилиши тугалланмаган бино ёнида учрашишди. Бекхоннинг қўлидаги ўйинчоқ автомат Самариддинга қизиқ туюлди. Ўйинчоқни ундан олиб, автомат учини ҳали битмаган бинога ўрнатиб қўйилган дарвозага мўлжаллаб тепкини босган эди, ўша ердан ўтиб кетаётган йўловчиларнинг бирига шарик ўқ тегишига оз қолди. Табиийки, йўловчининг бундан жаҳли чиқиб:

– Кўзингга қараб отсанг бўлмайдими? – деб жеркиб берди.

– Мен кўзимга қараб отдим, – дея олифталарча жавоб қайтарди Самариддин. Александр эса унга гап қайтарган ўсмирнинг шу ёшда анчайин ҳовлиқма, қўпол бўлиши табиийлигини унутиб қўйди. Катта ёшли инсон сифатида унга насиҳат қилиш ўрнига:

– Сен ўзи шишиб қолибсан, – дея Самариддиннинг бўйнидан ушлаб силтаб қўйди.

Самариддин ҳам қараб турмади. Даҳанаки жанг муштлашувга айланиб кетди. Ўсмирлар уларни бир-биридан ажратиб қўйишди. Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Александр ва Самариддин яна тортишиб қолишди. Шунда Александр йигитчанинг қўлидаги пичоқни кўриб қолиб, кўп қаватли уйлар орасига қочиб кирди. Самариддин эса унинг ортидан югурди. Тўпланишиб турган болалар ҳам уларнинг орқасидан чопишди. Болалар етиб келганда Александр «Мени пичоқлади, ёрдам беринглар», – дея фарёд соларди. Самариддин эса қаергадир ғойиб бўлганди.

Бекорчилик оқибатида Самариддин бир инсонга оғир тан жароҳати етказди. Айни балоғат ёшига етган йигитча жиноят содир этди. Энди қилмишига яраша жазосини олади.

Бу каби воқеаларни эшитиб, ўқиб ўйлаб қоласан киши. Катта йўл бошида, мустақил ҳаёт остонасида туриб жиноятга қўл ураётган йигитчаларнинг ота-онаси қаерга қараяпти? Улар фарзандининг куни қандай, қаерда ўтаётгани билан нега қизиқишмайди?

Гули Нигор АВАЗОВА.
Сурхондарё вилояти.

Расмларни Муроджон УНГАРОВ чизди.

Жиноятга жазо муқаррар

Ҳали тонг отмаган, соат миллари учни кўрсатиб турарди. Мириқиб ухлаётган Шавкатбек Ботиров дарвозанинг тақиллашидан чўчиб уйғонди. «Ким бўлди экан, бемаҳалда безовта қилган», деганча дарвоза томон юрди.

– Ассалому алайкум, – унга юзланди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари Жавлонбек Набиев ва Азаматжон Асроновлар. – Безовта қилганимиз учун узр. Мабодо уйингизни ўғри урмадими?

Шавкатбек ҳайрон бўлиб сўради:

– Қанақа ўғри? Ҳеч нарсани сезганим йўқ. Менимча, ҳаммаси жойида.

– Шундай бўлса ҳам ҳовлингизни кўздан кечириб чиқинг-чи, ҳеч нарсангиз йўқолмадимикин?

«УЙИНГИЗНИ ЎҒРИ УРДИ, БИРОДАР...»

Уй эгаси «хўп» деганча атрофни кузатди. Сўнг ҳаяжон билан деди:

– Цемент... Уйимдаги цементдан 7 қопи йўқ. Қачон ўғирлашибди, ким ўғирлабди?

– Цементингиз ана, аравада, – ички ишлар ходимлари сал нарида турган аравага ишора қилишди. – Бундан буён ҳушёр бўлинг! Сўнг бошини эгганча «миқ» этмай турган аёлга юзланишди: – Сиз билан идорада гаплашамиз.

Маълум бўлишича, Андижон шаҳрида яшовчи З. Шоирахон тунги соат 01.00 атрофида шаҳарнинг Т. Келдиев кўчасида истиқомат қилувчи Шавкатбек Ботировнинг ҳовлисидаги цементнинг етти қопини аравага жойлаб, ўғирлаб кетаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган. Муқаддам судланиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган Шоирахон бундан тегишли хулоса чиқармай, яна ўғрилик жиноятини содир этди. Энди у қилмишига яраша жавоб беради.

«Ботирбек XXI» савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Шавкатбек Ботиров цементларни қабул қилиб олар экан, ҳушёр ҳуқуқ-тартибот посбонларига миннатдорлик билдирди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.
Андижон вилояти.

ПИЧОҚ ЎҚТАЛГАН «ДЎСТ»

Ўтган йили ёз оқшомларидан бирида Зафар Самарқанддаги олий таълим муассасасида ўқийдиган ўртоғи Одилни учратиб қолди. Иккови беғубор болаликларини эслашди. Баъзан анҳорда кечгача чўмилишганлари учун ота-оналаридан дакки эшитганлари, калтак еганларини ёдга олиб кулишди.

Шу пайт Одилнинг уяли телефони жиринглаб қолди. У курсдоши билан телефонда гаплашиб бўлгач, Зафарни тушликка таклиф қилди. Зафар ҳам дарров кўниб қўя қолди.

Ошхонага киришаётиб у:

– Соткани зўридан олибсанми, ўртоқ? – деди.

– Ҳа, стипендияларимни тўплаб, 250 минг сўмга сотиб олдим.

– Мендаям шунақаси бўлсайди, – ҳасад аралаш тўнғиллади Зафар.

Одил буни ҳавас деб тушуниб ўртоғининг елкасига дўстона қоқиб қўйди.

Шу кундан эътиборан Зафар оромини йўқотди. Ҳатто уйқусида ҳам ҳаловат бўлмасди. «Баъзиларнинг омади чопишини қара – ҳам талаба, ҳам уяли телефонларнинг зўридан олволган. Менинг улардан қаерим кам?» деб нуқул ич-этини ерди.

Куз кунларидан бирида Одил таҳсил оладиган олий ўқув юртининг талабалари пахтакорларга ёрдам бергани қўшни қишлоққа келганидан хабар топди. Зафар узоқ ўйлаб ўтирмасдан «ов»га чиқишга қарор қилди. Айтиш керакки, у илгари безорилик содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган – икки йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган эди. Аммо бундан тегишли хулоса чиқармади.

Дадиллик учун икки шиша пиво ичиб олгач, қўшни қишлоқликлардан шаҳарлик ҳашарчилар қаерга жойлашганини билиб олди. Сўнг пана жойда ўтириб қоронғи тушиб, ҳамманинг ухлашини кутди. Кечаси вақт аламаҳал бўлгач, талабалар жойлашган бинога йўл олди. Эшик очиқ экан. Буни омади чопаётгани аломати деб билди.

Ичкарига кирса, талабалар донг қотиб ётарди. У стол устида турган иккита уяли телефонни олиб чўнтагига чиқди. Иккинчи хонага ўтса, Одил ҳам ширин уйқуда экан.

– Оғайни, пича сурил, – деди Зафар унинг каравотига ўтириб.

Одил бемаҳалда ким безовта қилаётганини билиш учун уяли телефонининг чироғини ёқди. Шуни кутиб турган Зафар унинг телефонини тортиб олиб, қочишга тушди. Одил ялангоёқ унинг кетидан югуриб етиб олди. Зафар чўнтагидан пичоғини чиқариб, жонҳолатда икки марта унга санчди-ю, тун қоронғисида ғойиб бўлди. Одил амаллаб хонага етиб олиб, курсдошларини уйғотди. Талабалар юз берган воқеадан ўқитувчиларини бохабар қилишди. Одилни тезда касалхонага олиб келишди. Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли у омон қолди. Зудлик билан шу яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар берилди.

Кўрилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида жиноятчи қўлга олинди. Одил унинг кимлигини эшитиб ҳайрон қолди. Зафар суд ҳукмига кўра тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.
Самарқанд вилояти.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги майор

Ёқуб ҲАСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими МИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Олим Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси

СУЛУВ момонинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

1992 йилда туғилган **Ўрол Исмоил ўғли Эшқулов** бедарак йўқолгани учун Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани прокуратураси томонидан қидирилмоқда. Қумқўрғон шаҳри Ҳамза кўчаси 30-уйда яшаган. Шу туманда яшовчи бувиси Шамбаниса Ҳакимованинг уйидан 2010 йил 24 май куни «Онамни кўриб келаман» деб чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, озғиндан келган, сочи сарғимтир, қоши қалин, қора.

Кийимлари: эгнида қора майка, йўл-йўл оқ шортик, оёғида қора шиппак бўлган.

Ўрол Эшқуловни кўрган ёки қаердалигини билган фуқаролардан Қумқўрғон тумани прокуратураси ёхуд яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

27 июль – «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил топган кун

САЙЁҲЛИК САНЪАТИ: МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТНИ ОШИРАДИ

Амир Темир хиёбонида сайр қилиб юрган икки нафар меҳмоннинг ўзаро суҳбати қулоққа чалинди:

– Тошкент ниҳоятда ўзгарибди. – Йигирма икки йил аввал шу шаҳардан кўчиб кетгандим. У даврларда пойтахт анчагина кўримсиз, кўчалари тор эди, – деярди улардан бири.

– Ўн беш йилдан ошди, тадбиркорлик туфайли шу юртга боғланиб қолганман. – Тўғри англабсиз, бу бунёдкорлик ва гўзалликларнинг бош меъмори кимлар экани билан қизиққаним йўқ. Бироқ Тошкент эндиликда Марказий Осиёнинг Парижига айланиб бораётир. Чунки бу ҳудуддаги барча давлатларда тез-тез бўламан, шаҳарлари қиёфасини яхши биламан, дея ҳамсуҳбатининг фикрини маъқуллади иккинчиси.

Тарихи ва таснифини илгари китоблардангина яхши билган ҳар бир хорижлик юртимизга ташриф буюргандан сўнг шундай фикрларни айтиши табиий. Мозийдан сўзловчи ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари, бетакрор маданияти, анъаналари билан эндиликда халқимиз жаҳон сайёҳларини лол қолдираётгани бор ҳақиқат.

Маълумки, туризм дунё иқтисодиётида энг сердаромад соҳалардан бири саналади. Бир пайтлар чет элликлар юртимизнинг зиёратгоҳ гўшалари ва сайёҳлик имкониятлари билан жуда кўп қизиқишган. Аммо собиқ тузум бунга имкон бермаганди. Истиқлол йилларида давлатимиз бошқа соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратди. Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Мазкур қарор шарофати билан соҳага дахлдор инфратузилмалар, транспорт ва коммунал, меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш тизимлари сифати кўрсаткичларини янада ошириш, янги имкониятлар яратиш юзасидан амалий ишлар олиб борилаётир. Шунингдек, хорижий инвестицияларни сайёҳликка йўналтиришда ҳам бир қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди. Айниқса, хорижий сармоядорларга яратилган қулайликлар, солиқ имтиёзлари, соғлом рақобат ҳамда ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришда асосий омил бўлмоқда.

Айни пайтда шу лойиҳа бўйича Буюк Ипак йўли бўйлаб туризм дастури асосида янги сайёҳлик йўналишлари йўлга қўйилди. Жумладан, давлатимизда спорт сайёҳлиги ва экотуризм ҳам изчил ривожланмоқда: альпинизм, чанғи спортини ўз ичига олган туристик маршрутларга қизиқувчи чет эллик сайёҳлар сони илгаригиларга нисбатан бир неча баробарга ўсди. Буларни инобатга олиб Чимён, Чотқол, Ҳисор каби тоғ тизимларида жойлашган дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича ҳам кўпгина саъй-ҳаракатлар қилинди.

Энг муҳими, юртимизда сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи фирма ва компаниялар дунёнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган ярмаркаларда фаол иштирок этишмоқда. Бундай имкониятлар соҳани янада такомиллаштириш ҳамда чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун йўлларни очиши шубҳасиздир.

Гап сайёҳликнинг истиқболи хусусида бораркан, мана бу мисолларга ҳам аҳамият қаратиш ўринлидир. Айни пайтда юртимизда соҳага банд бўлганлар сони ҳамда дам олиш масканлари кейинги ўн беш йилдагидан бир неча ҳиссага ортди. Ёки хусусий бизнеснинг сайёҳлик хизматлари умумий ҳажмидаги улуши юз фоиздан ортиқни ташкил этади. Айтишларича, айниқса, жорий йилда юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар аввалгиларга қараганда салкам уч ҳиссага кўпайди.

Мана шу далилларнинг ўзи ҳам давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида бошқа соҳалар қатори сайёҳлик тизимини янада ривожлантиришда қўшаётган ҳиссаси ва ҳамкорлиги нечоғли эканлигини кўрсатмоқда. Бунда юртимизда фаолияти тобора кенг қулоч ёяётган «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташаббусларининг ҳам ҳиссасини алоҳида қайд қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур компания саъй-ҳаракати туфайли ўн беш йилдан буён республикамизда халқаро туристик ярмаркалар ўтказилиши анъанага айланган. Таъкидлаш лозим, бўлиб ўтаётган ярмарка тадбирлари мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятини тўла юзага чиқариш билан бирга, жаҳон жамоатчилигини бу ердаги сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш ҳамда хорижий компаниялар ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда самарали натижалар бераяпти.

Бир мисол. Тўрт йил аввал Тошкентда ўтказилган сайёҳлик ярмаркасида 21 та мамлакатдан 80 та фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этишган бўлса, энг сўнгги ана шундай тадбирда эса иштирокчи давлатлар сони ва фирма, компаниялар ҳажми уч ҳиссага ошди. Бу – мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланаётгани ҳамда келиб-кетувчиларга сифатли хизматлар кўрсатилиб, шарт-шароитларнинг яратилаётганлигидан далолатдир. Шунингдек, республикамиз сайёҳлик, курорт ва тарихий жойлар сони жиҳатидан дунёда етакчи ўнлик орасида туриши ҳам барчанинг диққат-эътиборини тортиб, қизиқишини орттирмоқда.

Асосий жиҳати, сайёҳлик соҳасининг тобора ривож топаётгани туфайли халқимизнинг фаровонлиги ортяпти, қўшимча янги иш ўринлари очилмоқда. Энг муҳими табиий, маданий бойликларни авайлаб-асрашга, муҳофазалашга кишилар шуурида кўникмалар янада шаклланаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимиз тарихи, ёдгорликлари ва алломалари билан азалдан дунё аҳли назарига тушиб келган. Ана шундай маънавий бойликларимиздан барчани баҳраманд этиш йўлида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг тутган ўрни алоҳида ажралиб туради. Бу борада ҳали очилмаган қирралар жуда кўп бўлиши табиий. Уларнинг беминнат саъй-ҳаракатлари туфайли насиб этса мазкур соҳада ҳам жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллашимиз турган гап. Зеро, бунинг учун барча имконият ва шарт-шароитлар бор.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ.

Феъл-атворингиз, хушмуомалалигингиз ушбу ҳафтада зарур ҳамкорлик алоқалари ўрнатишингизда қўл келади. Илгариги хизматларингиз истиқболли ишларни бошлашингизга ёрдам беради. Ҳафтанинг ўрталарида қисқа муддатли сафарга чиқишингиз мумкин. Жумадан эътиборан оилавий муаммоларингиз ҳал бўла боради. Ўзаро иноқлик, бир-бирингизни тушуниш қарор топади. Сиз учун ноқулай кун – сешанба.

СИГИР.

Агар оғир-босиқ ва собитқадам бўлсангиз, албатта кўзлаган мақсадингизга етасиз. Расмий қоғозлар, ҳужжатлар ёки моддий қимматликлар билан ишлаганда диққат-эътиборли бўлинг. Пайшанба ишбилармонлик фаолиятингиз билан боғлиқ учрашувларни режалаштириш, шартнома ва битимлар тузиш учун қулай. Уй-рўзғор ташвишлари ҳам ёдингиздан чиқмасин.

ЭГИЗАКЛАР.

Ушбу ҳафтада ижодий режалар ва ғояларга тўлиб-тошасиз. Уларни амалга ошириш учун ҳамфикрларингизнинг ёрдами зарур бўлади. Ниҳоят анчадан буён истаб юрган битимингизга эришасиз. Чоршанба куни яхшиси, қариндошларингиз билан баҳслашманг. Шу куни хизмат мавқеингиз ошиши учун қулай. Жумада ўз куч ва имкониятларингизга холислик билан баҳо беришга ҳаракат қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА.

Ҳафта бошида ҳар қачонгидан ҳам вазминроқ, хушмуомала бўлинг. Ҳамкасбларингиз билан келишмовчиликларни муросаи мадора, музокара ёрдамида бартараф этинг. Бу борада тазйиқ ўтказишдан сақланинг. Айниқса, пайшанбадан кейин кўплаб қизиқарли ва фойдали одамлар билан танишасиз. Шанба оқшоми ва якшанба куни обдон ўйлаб иш тутинг, етти ўлчаб бир кесинг.

АРСЛОН.

Мазкур ҳафтада зиммангизга масъулиятли вазифа юкланади. Фақат бошқалар уни бажариш жараёнига раҳбарлик қилишига йўл қўйманг – шундагина муваффақиятга эришасиз. Ҳафтанинг ўрталари ҳамкасбларингиз ва раҳбарият билан ўзаро муносабатларингизни қайта кўриб чиқиш ҳамда ўзгартириш учун қулай. Ҳар сўзингизни ва хатти-ҳаракатингизни ақл тарозисида тортиб кўринг. Яқинларингиз сизга барча ишларингизда ёрдам беришади.

БОШОҚ.

Ҳамкасбларингиз билан ҳамкорлик, мулоқот ўз йўлига, аммо уларга бўлар-бўлмасга сирларингизни ошкор этаверманг. Ҳафта ўрталарида хизмат сафарига чиқишингиз мумкин. Унинг натижаси хизмат мавқеингизга ижобий таъсир қилади. Чоршанба куни эрталаб яқин келажакка мўлжалланган режа тузиб, эртасидан уни амалга оширишга киришишингизни маслаҳат берамиз.

ТАРОЗИ.

Ушбу ҳафта ишингизда осон ҳал бўладиган майда-чуйда муаммолар юзага келиши мумкин. Бунга ўз куч ва қобилиятингизга ишонмаслигингиз сабаб бўлади. Улар анча-мунча вақтингизни олади. Чоршанба куни дўстларингиз ва ҳаммаслакларингизнинг кўмагидан умид қилсангиз бўлади. Пайшанбада янги ҳамкорларингиз билан учрашишингиз эҳтимоли мавжуд. Фақат алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Жума кунги сафарни кейинроққа сурганингиз маъқул.

ЧАЁН.

Фаоллигингиз ошади, фақат сабрсиз бўлманг. Кучингизга куч, ғайратингизга ғайрат қўшилади, кайфиятингиз кўтарилади. Яқин дўстингизнинг маслаҳати ёрдамида қийин вазиятдан чиқиб кетасиз. Чоршанба куни муваффақият қозонишингиз ташаббус кўрсатишингизга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари шу пайтгача тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этасиз.

ЁЙ.

Душанба куни дўстларингизнинг ёрдамини рад этманг. Айни пайтда воқеалар ривожини тезлаштиришга уринманг. Катта натижаларга эришаман деб, ўзингизни хавф остида қолдирманг. Ушбу ҳафтада тўғрисўзлигингиз ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ асқотади. Мақсад сари қатъият билан интилинг. Чоршанба куни сизга омад кулиб боқади.

ТОҒ ЭЧКИСИ.

Хаёлингизга янгидан-янги ғоялар келади. Роса тер тўкиб меҳнат қилишингизга тўғри келиши мумкин. Низоли вазият юзага келмаслиги учун яқинларингизга нисбатан янаям эътиборли бўлишга ҳаракат қилинг. Пайшанба куни сайру саёҳатга ёки хизмат сафарига чиқсангиз, муваффақиятли, кўнгилли ўтади.

ҚОВҒА.

Миянгизда турли-туман ижодий режалар туғилиши мумкин. Мустаҳкам хотирангизга ортиқча ишониб юборманг – пайдо бўлган ғояларни ёзиб қўйинг. Ҳафта бошида режаларингизни атрофингиздагиларга ошкор этмаганингиз маъқул. Чоршанба – сафар ва сайру саёҳат учун қулай кун. Дам олиш кунлари туғилган ижодий ғояларингизни дарҳол амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

БАЛИҚ.

Мансаб пиллапояларидан юқорилаш учун қулай пайт келди. Аммо сешанба куни эҳтиёткорроқ бўлинг – яхшиси, маданий тадбирларга бормай қўя қолинг. Чунки, ўйламай айтган бир оғиз гапингизни турли маъноларга буришлари мумкин. Чоршанбага мўлжалланган ишларингизни пишиқ-пухта бажаринг. Пайшанба куни кўтаринки кайфиятда юрасиз. Ҳафта охирида ортиқча ташвиш-муаммолардан, юклардан халос бўлишни маслаҳат берамиз.

BOLANING HASRATI

Qoqinib yursam-chi doim,
Ko'zingga qara, der oyim.
Ikkala ko'zim yuzimda
Qanday qarayin ko'zimga?!

NODONNING BAHONASI

– O'g'lim nega kech qolding,
Darsingdan nechchi olding?
– Darslar bo'ldi intiho,
Men topshirdim imtihon.

Biri bo'ldi «yozma»dan,
Yana biri «chizma»dan.
Shuning uchun kech qoldim,
Ikki fandan «to'rt» oldim.

O'CH

Ko'p xato yozadi, deb
Nor tishlar qalamini.
Shu bahona olarkan
Qalamdan alamini.

TULKINING HIYLASI

O'ljani ko'rgach, tozi
Chopdi o'sha tomonga.
Ayyor tulki qochardi
Jon qolsin, deb omonga.

Daraxtga etmay tulki
Birdan yonga burildi.
O'zin epiolmay tozi
Qo'sh daraxtga urildi.

Azamat SUYUNOV.

KIM TEZ AYTADI?

Dugonam Durdona dutorning torini tortdi.

***

Saharda Sarvarning savatdagi sariq sa'vasi soz sayradi.

***

Safar sayohatchilarni sanab safga safladi.

***

Uchqun uchburchakning uchini o'chirg'ichda o'chirdi.

***

Chori Chorsudagi choyxonada choynakni chayqadi.

***

Juma jo'rasi Jamshidga juda ko'p jurnal jo'natdi.

***

Qamchibek qamchisini qamishzordagi qayiqda qoldirdi.



Shavkat QAHHOROV surat-lavhasi

Rasmlardagi 10 ta farqni toping



TOPISHMOQLAR

Aziz bolajonlar, topishmoqlar aqlni charxlaydi, zehnni mustahkamlaydi. Topishmoq aytish, javobini topish qadimdan an'anaga aylangan. Quyidagi topishmoqlar javobini topgan zukko muxlislar o'z javoblarini 231-43-13 raqamiga qo'ng'iroq qilib aytishlari yoki 232-05-51 faksi orqali yuborishlari mumkin.

Talash bo'ladi yozda,
Topib bo'lmas ayozda.

***

Har xil rangda ko'zlari,
Ma'nolidir so'zlari.

***

Qo'limda ikki ko'zi,
Ro'zg'orga kerak o'zi.

***

Ignasi bor, ipi yo'q,
Choponidan ko'ngli to'q.

***

Adashmaysan yo'lingda,
U bo'lsa gar qo'lingda.

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIBOV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Guli Nigor AVAZOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-9825. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 63007 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.